

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



УМРИМ СЕНГА ФИДО, ВАТАН!

Қадрлидир нур кучоғинг,
Тоғу дала, чўлу боғинг.
Кўкда доим эрк байроғинг,
Жоним сенга фидо, Ватан!

Юрагимда гурур, виқор,
Сендек тенгсиз ҳур ўлкам бор.
Пойингдадир бахту иқбол,
Гўзалликда танҳо, Ватан!

Қурбон қилай сенга борим,
Сен борлигим, ифтихорим.
Ўхшаши йўқ бетимсолим,
Умрим сенга фидо, Ватан!

Хизматингга доим шайман,
Заминда йўқ сендек маскан.
Таърифингга минг жило кам,
Аълолардан аъло, Ватан!

Ўзбекистон, номинг улуғ,
Зар тупроғинг азиз, қутлуғ,
Олам аро солгин довруғ,
Дунё сенга шайдо, Ватан!
Умрим сенга фидо, Ватан!

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар
Темурмалик РАҲИМОВ

3-бета



ЎЗ БАҲОСИНИ
ТОПАЁТГАН ФИДОЙИЛИК

● Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўзаро чегарадош бўлган туманлари ҳудудларини ўзгартириш бўйича тайёрланган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида шаҳардан Тошкент вилоятига 1 010 гектар, вилоятдан пойтахтимизга 10 196 гектар ер майдони ўтказилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 29 май куни Тошкент шаҳрида Янги ҳаёт туманини ташкил этиш масаласига тўхталиб ўтган эди. Шунга мувофиқ, ишчи гуруҳ томонидан Сергели туманидан 1 752 гектар, Бектемирдан 267 гектар, Зангиотадан қарийб 328, Қуйи Чирчикдан салкам 129, Янгийўлдан 263, Ўрта Чирчикдан 1 346 гектар ажратиб, Янги ҳаёт туманини жами 4 085 гектарда ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

Президент таклифларни маъқуллаб, Тошкент шаҳрининг Бош режасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

● Шу кунларда Самарқанд халқаро аэропортида реконструкция ишлари бажарилмоқда. Бунинг учун Туркиянинг «Kiklor» ва Ўзбекистоннинг «Primetime Group» компанияси жалб этилган.

Реконструкция ишига масъуллар аэропорт китоб кўринишида қайта қад ростлашини айтмоқда. Янги аэропортда 22 самолёт учун тўхташ, учиш-қўниш йўлаги бўлади.

Аэропортни 2021 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ўшанда Самарқанд халқаро аэропорти «Очиқ осмон» режимига ўтади.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН



HAFTA ICHIDA

11-бета



ЖАСОРАТИ
ТИЛЛАРДА ДОСТОН

9

«ЛОЛАЗОР» ОРАЛАБ...

12

ШАЙБОНИЙЛАР
ДАВРИДА ҚЎШИН
ТАЪМИНОТИ

14

ДУНЁ АҲОЛИСИ
ҚИСҚАРАДИМИ?

15

КОРОНАВИРУС:
ФЕЙК ХАБАРЛАР



ЖАРАЁН

“ Бутун дунёда кечаётган бугунги оғир вазият инсониятга кўп нарсани ўргатмоқда. Одамлар ўз яшаш тарзини ўзгартирди. Овқатланиш, юриш-туриш, иш ва меҳнат фаолиятидаги саранжомлик сифатлари улар ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг бари тождор вирусни енгиш ва аввалги жўшқин ҳаётга қайтиш иштиёқида содир бўлаётир.

Бутун халқимиз кўриб, гувоҳи бўлиб турганидек бугун соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш учун республикамизнинг куч тузилмалари ҳам кенг жалб этилган. Карантин ҳолатидаги ҳудудлар назорати, блок-постлардаги барқарор вазият ва энг муҳими мана шундай паллада юрт тинчлигини таъминлаб турган ҳарбий хизматчилар бугун фидойи шифокорларимиз қаторида халқ саломатлигини сақлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётир.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган топшириққа биноан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий шифокорлари, ҳарбий тиббиёт муассасалари хизматчи ва мутахас-

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



сислари ҳам бугун кўринмас душман устидан ғалаба қозониш учун кураш олиб бормоқда.

Ҳукуматимиз томонидан пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Ўзэкспо-марказ» павильонида коронавирусуға гумон қилинганларга ташхис қўйиш, заруратга кўра, даволаш учун барча шароитларга эга энг замонавий тиббий ускуналар ва бошқа



Шунингдек, беморларга юқори ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда мониторинг ва статистик маълумотларни мувофиқлаштириш мақсадида тезкор гу-руҳ тузилиб, Мудофаа вазирлиги Марка-зий ҳарбий клиник госпитали ва тегишли тиббиёт муассасалари билан боғловчи видео-конференц алоқаси йўлга қўйилди.



зарур техник воситалар билан жиҳозланган 814 ўринли даволаш мажмуаси яратилди. Бу ерда фуқароларни муолажа қилиш учун Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг малакали шифокорлари ҳамда кўнгилли тиббиёт ходимлари жалб этилди.

– Халқимиз соғлиғи учун, беморлар ҳаёти-ни сақлаб қолиш учун Олий Бош Қўмондони-миз томонидан қўйилган вазифага мувофиқ,

ҳарбий шифокор ва мутахассисларимиз ҳам даволаш ишларида ўз фидойиликларини кўр-сатмоқда, – дейди тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов. – Беморларга ташхис қўйиш учун барча тиббий шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳарбий шифокор ва мутахассисла-римиз бу ерда касалликка чалинган енгил, ўрта ва оғир аҳволдаги беморларни сифатли даволаш ишларини бажаряпти.

– Тиббиётдан хабарим бор. Янги ташкил қилинган мана шу даволаш масканида ишлаш учун ариза топширдим, – дейди ҳамширалар сафига кўнгилли равишда қўшилиш истаги-даги ҳамюртимиз Умида Комилова. – Тўғриси, ҳарбий шифокорларнинг аҳоли саломатлиги йўлида курашаётганини кўриб, бу сафга тезроқ қўшилгим келяпти. Чунки улар қато-рида туриб, ўзингни кучли, қўрқмас ва ботир ҳис қиласан, киши. Бу ҳудди Ватан тинчлиги йўлида хизмат қилишга ўхшайди. Менимча, аслидаям шундай.

Ҳа, химоячи ўз номи билан химоячи. Унинг нияти холис, амали пок, кўнгли тоза, юзи ёруғ. Шу боис у ҳар қандай ташқи кучдан, тажовуздан, хавф-хатардан, кўринган ва кўринмас душмандан юртни, элни химоя қилади.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар Исроимжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**



БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

“Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Тошдан тошга урилиб ўйноқлаган сув кўзни очиб-юмгунча ёнингиздан оқиб кетади. Бизга инъом этилган ҳаётнинг қадрига етиб, уни мазмунли ўтказиш жоиз.

Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм авиация эскадрильяси командири подполковник Азиз Шожалилов ҳам умрини мазмунли кечираётган ватандошларимиздан бири.

20 йилдан буён ҳарбий хизматда, 2011 йилдан бери муштарик учувчи сифатида фаолият юритаётган қаҳрамонимиз Ватан олдида кўрсатаётган хизматлари учун давлатимизнинг навбатдаги юксак мукофоти билан тақдирланди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан «Шуҳрат» медали топширилди. Бунгача ҳам подполковник Азиз Шожалилов 2015 йили «Содиқ хизматлари учун» медали билан, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг бир қатор мукофотлари билан тақдирланган. Подполковник Азиз Шожалилов хизмат қилаётган ҳарбий қисмга борганимизда парвоз олди тайёргарлик жараёни кизгин паллада экан. Ишлар биров маромига тушгач, эскадрилья командири подполковник Шожалиловни суҳбатга тортдик.

– Ҳозиргина навбатдаги парвозни амалга ошириб қайтдим. Кечкурун уйга боришим билан 7 ёшли ўғлим қалбида бир олам ҳаяжон, қизиқиш билан қаерга борганим, қандай учганим ҳақидаги саволларни ёғдиради. Бир пайтлар ўзим ҳам худди шундай бўлганман, – дейди у. – Биз учувчилар оиласимиз. Бувам, тоғаларим ҳам маҳоратли учувчилар бўлган. Тайинки, бу менга катта масъулият юклайди. Ҳали амалга ошмаган орзулар, режаларим кўп. Уларни рўёбга чиқариш учун баҳоли қудрат ҳаракат қиламан, албатта.

37 ёшни қоралаётган қаҳрамонимиз Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти (олдинги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти)да таҳсилни тамомлагач, ҳарбий транспорт авиацияси йўналишида турли вазифа ва лавозимларда хизмат қилди. Бугунги кунда ҳам давлатимиз томонидан коронавирус инфекциясига қарши харид қилинган дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари, турли асбоб-ускуна ва аппаратларни чет давлатлардан олиб келиш, инсонпарварлик ёрдамларини мамлакатимиздан хорижга ҳамда хорижий давлатлардан мамлакатимизга келтиришга қаратилган махсус рейсларда самолётларни бошқармоқда.

Нафақат командири, балки инсоний фазилатлари билан ҳарбий хизматчилар жамоасида ҳурмат қозонган. Бирга хизмат қилаётган кўпчилик ёшларга ўрнак.

– Командиримиз подполковник Азиз Шожалиловнинг ҳавас қилдиган жиҳатлари жуда кўп, – дей-

ЎЗ БАҲОСИНИ ТОПАЁТГАН ФИДОЙИЛИК



ди авиация эскадрильяси гуруҳ командири капитан Иномжон Мухторжонов. – У қўл остидаги шахсий таркибга ҳам жуда талабчан. Ўз ишига фидойилик билан ёндашгани каби қўл остидагилардан ҳам шундай муносабатни талаб этади. Беш йилдан буён бирга хизмат қилиялман. Командир сифатида ҳам, инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам кўп нарсаларни ўргандим. Укам Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаб, подполковник Азиз Шожалилов қўлига шоғирд тушганидан хурсанд бўлдим.

Қуролли Кучлар сафида у каби ўз касбига садоқатли,



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодни сканер қилинг.

тахассислар зиммасига яна бир қарра масъулият, жавобгарлик юклайди.

– Сўнги йилларда Ҳарбий ҳаво кучлари энг замонавий самолёт, вертолётлар билан бутланяпти. Ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал, маънавий салоҳияти ҳам янада ошяпти, – дея фикрларини давом эттиради мақоламиз қаҳрамони. – Шунингдек, биз таҳсил олган олий ҳарбий билим юрти Қарши шаҳрига кўчирилди. Кўркам бино, янгича ўқитиш тизими, назария ва амалиёт уйғунлиги, албатта, ўз самарасини беради. Ушбу мукофот ҳам амалга оши-

рилаётган ислохотлар тўлкинида менга янада кўпроқ масъулият юклайди. Ҳаммасига жавобан ўз бурчимизни ҳар томонлама намунали бажариш, сафимизга келаётган ёш учувчиларга бор билим ва кўникмаларимизни ўргатишимиз лозим.

Келажакдаги энг катта мақсадингиз нима, десак: «Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас», дея ҳазил қилди. Шу тариқа подполковник Азиз Шожалилов хайр-хўш қилиб, навбатдаги парвозга тайёргарлик кўриш учун жўнаб кетди. Кўнгилдан шундай тилаклар ўтди: яшанг, Азиз ака! Сизга ўхшаган ватанпарвар инсонларнинг боши тошдан бўлсин! Ишингиз ва умр йўлларингизда юксак парвозлар тилаймиз!

Бобур ЭСОНОВ

■ ҲАВО-ДЕСАНТ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Одатда кўпчилик ҳавас қиладиган ишлар бир қадар машаққатли бўлади. Парашют билан сакрашни ҳам шунга менгзаш мумкин. Буни орзу қилмаган, «маза қилиб тушасан», дея хаёлланмаган ёшлар учрамаса керак. Аслида парашютнинг ўзи Леонардо да Винчининг хаёл маҳсули. Бундан беш юз йил аввал буюк рассом парашютни тасаввур қилиб, тасвирлаган. 1786 йилга келиб, француз физиги Леонорман ушбу ускунани яратиб, унга «парашют» (грек тилида «para» – қарши ва «shyute» – тушиш) деб ном беради ва синаб кўради.

Бугунги кунда юртимизда десантчилар билан ўтказилаётган машғулотлар бутунлай янги-ча кўринишга кирган. Ҳар бир жараёнга янги-ча ёндашилиб, жанговар имконият сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсад ҳарбий хизматчиларни ноқулай вазиятларда ҳам қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ўргатиш, жанговар шайлигини яна бир бор синовдан ўтказишдан иборат.

Парашют билан сакраш ҳақида гап кетганда бир қадрдонимизнинг таассуротларини эслайман: – Биринчи марта сакраганимда кўп нарсани ҳис қилмайсан, чўчимайсан. Кейингисидан ўтиб олсанг, муваффақият сеники. Бу ҳолатни сира унутмайман. Иккинчи марта сакраш олди саф тортганимизда машғулот бекор бўлишини, ҳатто вертолётда носозлик юзага келишини истаганман. Хуллас, юрагим дов бермаган. Кейин учинчиси, тўртинчиси... Борган сари кўникиб, ботирлашиб бораркансан, – дейди у.

Қобилиятсиз одамнинг ўзи йўқ. Фақат имкониятларни тўғри баҳолаш, сайқал бериш, мунтазамликни таъминлаш лозим. Парашют билан сакраш эса маҳоратдан ташқари жуда катта таваккалчилик, жисмонан чиниққанлик, руҳий мустаҳкамлик, маънавий юксакликни ҳам талаб қилади. Учиш аппаратидан ажралиб чиқиш, ҳаводаги ҳаракат, қуролни ҳавода жанговар ҳолатга ўтказиш ҳамда қўниш жараёнини ўзлаштириш учун ўзига хос малака ҳосил қилиш лозим.

– Биласизми, ҳаво-десант тайёргарлиги деганда фақат парашют билан сакрашнинггина тушуниш мутлақо нотўғри фикр. Аввало улар кундузи ва тунда,

КУНДУЗИ ҲАМ, ТУНДА ҲАМ, ҚУРУҚЛИКДА, СУВДА ҲАМ

*профессионал десантчилар
вазифани тўлақонли уддалайди*



сувда, ноқулай шароитда ҳам парашют билан сакрай олиши лозим. Қолаверса, спортнинг муайян тури, масалан, қўл жанги билан мунтазам шуғулланишлари керак. Улар ўқ отишни ҳам, жанговар машиналарни бошқаришни ҳам, муҳандислик тайёргарлигини, хуллас, барча жанговар билим ва кўникмаларни ўзлаштирган бўлишлари шарт. Шундагина уларни ҳақиқий десантчи дейиш мумкин, – дейди подполковник

Ғуллом Тўйчиев.


Тошкент ҳарбий округида жойлашган «Марказ» десантчилар тайёрлаш базасида ўтказилаётган машғулотлардан бирида тин олиб ўтирган ҳарбий хизматчиларнинг фикрлари билан ўртоқлашиш учун борганимизда адабий баҳс устидан чиқдик. Улар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётларида учрашган ёки кўришмаганликлари ҳақида мунозара қили-

шарди. «Бобурнома»дан далил келтираётган Ватан ҳимоячиси бизни кўриб дадилланди. Сухбат тарихий воқеаларга, «Темур тузуклари»га уланиб кетди. Бу билан улар нафақат жанговар ва жисмоний тайёргарлик, балки маънавиятдан, китобхонликдан ҳам тобланганликларини кўрсатишди.

**Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

МАРДИ МАЙДОНЛАР

Бугунги пандемия шароитида ҳарбий хизматчилар кўринмас душманга қарши кенг масштабдаги курашларда ўзларининг фаол ва жонқуяр эканликларини кўрсатишмоқда. Шу билан бирга республикаимизнинг турли ҳудудларида хизмат фаолиятини олиб бораётган Ватан ўғлонлари бир зум бўлмасин жанговар тайёргарлик машғулотларини тўхтатгани йўқ.



ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ

Бутун дунёда бўлаётгани каби мамлакатимиз ҳам бугун карантин ҳолатида. Агар ойма-ой санайдиган бўлсак, пандемия сабаб қатъий қоидалар киритилганининг олтинчи ойи кетмоқда. Шундай фаолият турлари борки, улардаги бир кунлик «узилиш»ни бутлаш учун бир неча йиллар керак бўлади.

Ҳарбийликни фаолият тури деймизми, касб ёки бурч деб атаймизми, бу иккинчи масала. Муҳими, Мудофаа вазирлиги ҳарбий

хизматчилари пандемия шароитида ҳам куну тун ўз малака ва кўникмаларини оширишдан тўхтагани йўқ. Албатта, буларнинг бари карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилаётир.

Қуйида ана шу лаҳзаларни фотоаппарат тасмасига муҳрлаган маҳоратли фотомухбирларимиз томонидан жамланган ажойиб фоторепортажни томоша қилишингиз мумкин.

И. НУРАЛИЕВ



ИБРАТЛИ УМР



ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИСИ ЭДИ

Пандемия келтирган синовли кунларда қорақалпоқ халқи оғир жудаликка учради. Бу кўпчиликини чуқур қайғуга солди. «Ақсақал кетсе халқдан ел бозлайди», дейди қорақалпоқлар. Муса Ерниязов ҳам қаҳрамон халқнинг қаҳрамон оқсоқоли эди. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамонидир.

«Қорақалпоғистондан кўнглим тўқ эди...»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрига ташриф буюриб, Муса Ерниязов хотирасига бағишланган таъзия маросимларида иштирок этди, қабрини зиёрат қилди. Мархум ҳаққига Қуръон тиловат қилинди. Президентимиз:

– Раҳматли Муса оға элни яхши кўрган, ҳалол, пок, ор-номусли инсон эди. У кишига жуда ишонардим, Қорақалпоғистондан кўнглим тўқ эди. Тили, дини, тақдири, ташвишлари бир бўлган ўзбек ва қорақалпоқ халқининг оғизбирчилигини қадрларди. Қорақалпоғистонни ривожлантириш, одамларнинг бирини икки қилиш бўйича кўп ишларни бошлаган эдик. Энди бу ишларни, режаларимизни дўстлари билан бирга албатта давом эттирамиз.

Бу ерни Қорақалпоғистонга келганлар эҳтиром билан зиёрат қиладиган масканга айлантирамиз. Шундай ватанпарвар инсонларнинг ҳурматинон жойига қўйсак, халқимизга, ёшларимизга намуна бўлади, – деди Муса Ерниязовни эслаб.

Ҳа, чиндан ҳам қорақалпоқ диёрида кейинги йилларда юз берган барча ўзгаришлар Муса Ерниязовнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. У қорақалпоқ элининг ҳақиқий етакчиси сифатида доимо халқнинг дарду ташвишлари билан яшади. Айниқса, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар, ёшларимизнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг муносиб келажagini таъминлаш йўлида чинакам жонбозлик кўрсатиб, сидқиқидиллар хизмат қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшди, айниқса иқтисодий-ижтимоий тараққиётимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатди.

Буюклар оддий бўлади

2011 йили Қорақалпоғистоннинг олис туманларидан бири Тахтақўпир туманида «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси доирасида Жўқорғи

Кенгеси Раиси ва туман ёшлари ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтганди. Ўшанда мен ҳам кўп ёшлар қатори Муса Ерниязов билан илк бор юзма-юз учрашганман. Оддий қишлоқ қизи эмасманми, тадбирда жуда тортиниб, уялиб савол берганман. Муса оға мендаги ҳаяжонни пайқаб: «Кел, қизим, тортинма. Кўзларингда Қумар онанинг нигоҳини кўряпман», деганди. Мактаб ўқувчиси учун бу фавқулодда қутилмаган ҳолат эди. Ҳа, буюк инсонларнинг буюклиги оддийлигида. Невараси тенги қизалоққа, «қизим», деб мурожаат қилиши ҳам инсоннинг халқчиллигидан далолат.

2014 йил эса Оқсоқолнинг ишончини қозониб, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби бўлдим. Ўшанда ишлари кўп, байрам арафаси бўлишига қарамасдан устоз-

ларим ва мени қабулига чақириб, мукофот совриндори бўлганим билан табриклади: «Телевизордан гапирганимни кўрдим. Ёш бўлишинга қарамай, анча дадилсан. Сендан, сен каби қорақалпоқ ёшларидан умидим катта. Устозларингга, ота-онангга раҳмат. Қара, шаҳардан жуда узоқда турсанг ҳам имкониятлардан муносиб фойдаланибсан. Баракалла», деганди.

Раҳбар деганда киборли, озгина жажлдор кишиларни тасаввур қилишим рост. Аммо Муса Ерниязов раҳбар овозини баланд кўтармасдан босқич билан муаммоларга ечим топиши мумкинлигини йиллар давомида исботлади.

Айниқса, Қорақалпоғистондаги сувсизлик, халқ хўжалигидаги оғир шароитларни ҳал қилиш борасидаги муаммоларга раҳбарлик маҳорати билан ёндашиб, кўп ижобий натижаларга эришди.

Синовларга тўла умр

Муса Ерниязов 1947 йил 20 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Кеғейли туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1971 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини, 1986 йили Тошкент Олий партия мактабини тамомлади. Меҳнат фаолиятини қурилиш муҳандиси лавозимидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашида катта референт, бошқарма бошлиғи, ишлар бошқарувчиси бўлиб ишлади.

1983 – 1989 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазирини, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси, Чимбой тумани ҳокими лавозимларида самарали фаолият олиб борди.

2002 йилдан ҳозирги вақтга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари лавозимида ишлади.

У 50 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг улкан раҳбарлик салоҳияти, бой билим ва тажрибаси, маънавий фазилатлари, Ватанимизга бекиёс муҳаббати ва садоқати билан халқимизнинг қалбидан ҳақли равишда чуқур жой олган улуғ инсон эди.

Унинг халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. Оға «Меҳнат шўхрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» ва Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак давлат унвонлари билан мукофотланганди.

Халқимизнинг улуғ фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва фидойи инсон Муса Ерниязовнинг хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти соҳиби

Муса Ерниязов хотирасига

Қайдан келди бу боло, офат?
Кўргандекман гуё ёмон туш.
Юрагимда чуқур жароҳат,
Ҳалок бўлди бугун бир оқ қуш.


Бир газанда илон чақди, оҳ,
Унинг заҳри тарқамас зинҳор.
Ҳалок бўлди йиқилиб ногоҳ,
Ўзаётган энг зўр оқ тулпор.

Кўтарсанг-чи бошингни, сарбон,
Бутун карвон қутади илҳақ.
Бугун эл-юрт қалбида армон,
Йўлбошчисин йўқотди бир халқ.

Оғажоним, илтижом мани:
Ўзи раҳматига олсин Ҳақ:
Денгиз бўлиб оппоқ кемани,
Сўнгги йўлга кузатади халқ.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон хаёқ шоири

«БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ СОАТИ» УЧУН УСЛУБИЙ ЁРДАМ



Абу Райхон Беруний (973 – 1048)

Беруний ўз замонасининг барча фанлари – физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, география ва бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган. Олим 362 ҳижрий йили (973 й.) Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрида туғилган.

Уша даврда Кат шаҳри Хоразмшоҳ – Афригийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа давлатлари билан боғлаб турувчи савдо ва маданий марказларидан бири эди. Беруний ўз она тили – хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни – сўғдий, форс, ҳинд, юнон ва қадимги яхудий тилларини ҳам ўрганган. У Ҳиндистонда бўлар экан, тез орада нафақат Ҳиндистон тарихи, маданияти, ҳатто санскрит тилини ҳам ўрганади. Хоразмдаги Маъмун академиясининг энг кўзга кўринган фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шу билан бирга у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Беруний кейинчалик машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олади. Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди.

Буюк олим «Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000 йилда тамомлаган. Бу асар Берунийга жуда катта шухрат келтиради. Бундан ташқари, Беруний Журжонда астрономия, петрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзади.

Беруний Хоразмнинг янги ҳукмдори Абу Аббос Маъмун II ибн Маъмун томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Гурганчга чақиртирилади. У Хоразмшоҳ томонидан жуда катта иззат-икром билан қабул қилинади. Беруний Гурганчда Маъмуннинг бевосита раҳнамолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатади.

Хоразмнинг Маъмуд Ғазнавий томонидан босиб олиниши Беруний ҳаётида ўзгариш ясади. У Хоразмшоҳ саройидаги барча олимлар билан бирга Ғазна шаҳрига олиб кетилади. Берунийнинг 1017–1048 йилларда Ғазнада кечирган ҳаёти бир томондан оғир кечган бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий фаолияти учун энг

нинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») 1030 йилда ёзилган бўлиб, бу шоҳасар Фарб ва Шарқ олимлари, шу жумладан, ҳозирги замон ҳинд олимлари томонидан юксак баҳоланган. Академик Виктор Розен «Шарқ ва Фарбнинг қадимги ва Ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», деб баҳо берган. Маъмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларидан бирида шоҳга ҳамроҳ бўлган Берунийга бу юриш ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишга ҳамда бу мамлакат ҳақида ўлмас асар яратишига имкон беради. «Ҳиндистон» асари ёзиб тугатилган йили Маъмуд Ғазнавий вафот этади ва унинг ўрнига тахтга ўғли Масъуд (1030 – 1041) ўтиради. Бу даврда Берунийнинг аҳволи анча яхшиланади. Астрономияга оид «Масъуд қонуни» асарини султон Масъудга бағишлайди. Уша аср олимларидан бири

Ёқутнинг ёзишича, «Масъуд қонуни» китоби математика ва астрономия бўйича унча ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган».

Беруний ўз асарлари рўйхатини тузгандан кейин, яна иккита муҳим китобини ёзган. Булардан бири «Минералогия»дир. Бу рисола ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, ҳатто Европа-

билан машҳур, унда Беруний Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифини беради.

Беруний шогирди Абул Фадл ас-Серахсий маълумоти бўйича 1048 йил 11 декабрда вафот этган.

Қомусий олим авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Юқорида кўрсатиб ўтилган катта ҳажмдаги асарларидан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогнозия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисолалар яратади ва таржималар қилади, бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, шеърлар ёзади.

XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин,

Америкалик тарихчи олим Ж. Сартон Берунийнинг меросига олий баҳо бериш билан бирга, уни ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди.

француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима қилинган. Америкалик тарихчи олим Ж. Сартон Берунийнинг меросига олий баҳо бериш билан бирга, уни ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди. Ҳинд олимлари ҳам Берунийнинг Ҳиндистон фалсафаси, дини, илми, урф-одатлари тарихини ўрганишга қўшган улкан ҳиссасига ниҳоятда юқори баҳо берадилар.

Ўзбекистонда ҳам Берунийнинг ижодида катта эътибор бериб келинмоқда. Х.М. Абдуллаев, И.М. Мўминов, В.Ю. Воҳидов, Я.Ф. Ғуломов, У. Каримов, С.А. Булгаков каби атоқли олимлар Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола, асарлар яратдилар. Тошкентда унинг фаолиятига бағишланган қатор халқаро илмий конференциялар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Илк бор Берунийнинг «Қадимги ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Масъуд қонуни», «Геодезия», «Сайдана» каби асосий асарларини ўз ичига олувчи кўп томли сайланма асарлар ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

**Мудоффа вазирлиги
Тарбиявий ва
мафқуравий ишлар
бош бошқармаси**



маҳсулдор давр бўлади. Унинг «Хоразмнинг машҳур кишилари» асари ҳам шу даврда яратилган. Берунийнинг «Ҳиндистон» номли машҳур йирик асари – «Таҳқиқ моли-л-Ҳинд мин маъқуда мақбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндлар-

да ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенги йўқ асар ҳисобланади. Берунийнинг охириги асари – «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб»ининг қўлёзмаси XX асрнинг 30-йилларида Туркияда топилди. Асар «Сайдана» номи

Жанубий ҳудудларимизда халқаро террорчиларга қарши амалга оширилган жанговар ҳаракатга 20 йил тўлди. Босқинчиларга қарши жангда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ўзларининг жасур ва чапдаст, бурчига садоқатли эканини намоён этади. Юртимизга кўз тиккан газандалар ит ўлимини топди. Бироқ... бироқ элимизнинг энг сара ўғлонлари бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уларнинг аксари навқирон, севиб севилган-у, чимилдиқ ҳаяжонини туймаган бўй йигитлар эди.

Тириклик дунёсида инсон ҳаёти бир нафасдек, гўё. Юз йил умргузаронлик қилган нуруний билан суҳбатлашсангиз ҳам, «умрим шамолдек ўтдию кетди, қандай ўтганини сезмай ҳам қолдим», деган икромни эшитасиз. Ҳа, инсон ҳаёти ўткинчи. Фақат мангуликка дахлдор умрларгина бундан мустасно. Ортида унутилмас из қолдирган олим аллома, донишу даҳолар ва албатта, Ватани ҳамда миллатининг тинчлиги ва ҳурлиги йўлида жон фидо этган шерюрак ўғлонлар жасоратига тарих зарваракларига муҳрланади. Азиз номлари мангуликка дахлдор эканидан бонг уриб туради.

Улғубек, Алишер, Бобур, Маҳмуджон, Дониёр, Эломон, Сайёр, Юнусжон... Бу шерюрак ўғлонларимиз ҳалқимизнинг асрлик орзуси – мустақиллигимизни асраш йўлида ёвга кўксини қалқон этган ботиру баҳодирлардир. Биз бу жасур ўғлонларни йигирма йил давомида бир лаҳза бўлса-да унутмадик, оилаларида бўлдик, ота-она, дўсту ёр, сафдошлари билан суҳбатлашдик, дардлашдик, сирлашдик. Не ажаби,

УЛАР БОШҚАЧА ЭДИ

уларнинг яқинлари билан хотирасини ёдга олиш давомида ҳар гал бир ҳақиқатга дуч келганман, яъни барчасида бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусият мавжуд. Ҳар гал бир эътирофнинг гувоҳи бўлдим: «У бошқача эди...»

Бу ўғлонларнинг келбати, ғайрати, дунёкараши, орзулари ва интилиши, ҳаётга, инсонларга бўлган муҳаббати ўзгача, барчаникидан ўзгача. Ватан учун, жасорат йўлидаги шонли йўл учун яралгандек улар, гўё. Ушбу мақоламизда тинчлигимиз, эркимизни асраш йўлида Сариосиё тоғларида шахид кетган мана шу ўғлонларимизнинг тенгқурларидан ажралиб турган бошқача – ўзига хос қирраларини ёдга олишни – хотирлашни лозим топдик.

ШЕРОБОДНИНГ ШЕР ЙИГИТИ

«Жасорат» медали соҳиби сержант Юнусжон Охуннов Фарғона вилоятининг Учкўприк туманига қарашли Шеробод қишлоғида туғилган. 2002 йили ушбу қишлоқда бўлиб, яқинлари билан суҳбатлашгандим. Дўстлари уни «Шерободнинг шер йигити эди», дея таърифлагани ёдимда.



Дўсти Баҳодиржон:

– Юнусжон мактабда ҳам, маҳаллада ҳам ҳамиша бизнинг сардоримиз бўлиб келган. У аёло баҳолар билан ўқиш баробарида, новвойлик, ошпазлик, косиблик каби ҳунарларни яхши ўзлаштирганди. Спортнинг бир қатор турлари билан шугулланар, мактабимиздаги каратэ тўғрагининг энг кучли аъзоси эди. Мактабни битирадиган йилимиз эса дарсдан сўнг Қўқон шахрига қатнаб, компьютер бўйича ҳам таҳсил олган. Ёш бўлишига қарамай барча ишни уddалай олгани, улгургани учун унга барчамизнинг ҳавасимиз келарди, унга ўхшашга ҳаракат қилардик. Ҳозир ҳайратда қола-

ман, у қандай қилиб шунча ишни уddалаган экан?..

Отаси Носиржон ака (Аллоҳ раҳмат қилсин):

– Фарзанд айрилиги қадар оғир мусибат бўлмаса керак. Аммо миллат озодлигига қаратилган «Шерюрак» деган фильмни кўрган бўлсаларинг, шу фильм қаҳрамонининг бир сўзи бор: «Инсоннинг қарчон ўлиши муҳим эмас, қандай ўлиши муҳим». Ўғлим ёш оламдан ўтган бўлса-да, эл-юрт олдида ҳурматимизни кўтариб, номини мангуликка муҳрлаб кетди. Юнусжон жуда зийрак эди, ҳамма нарсга улгуришга ҳаракат қиларди. Энди ўйласам, умри қисқалигини сезган экан, болам. Ўсмирлик даври мустақилликнинг илк йиллари, озиқ-овқат биров «тортилган», қийинчилик даврларига тўғри келган. Бир кун бир нечта нон кўтариб келди. Аяси иккимиз ҳайратда. Кейин билсак, қишлоғимиздаги новвойга шоғирд тушиб, бўш вақтида қарашиб юрар экан. Ўқитувчи бўлганим учун фарзандларимнинг ўқишига қаттиқ турардим, ўзбошимчилиги учун биров қойидим. У: «Дада, албатта, яхши ўқийман, барчасини уddалайман», дея ваъда берди. Мен фарзандимдан розиман. У ҳақиқат йўлида ортга қайтадиган бола эмасди. Шунга яраша шарафли умр интиҳосини топди.

Отаси Зулфинисо опа:

– Ўғлим ёш кетган бўлса-да, қишлоқ аҳли, сафдошлари кўнглидан жой олиб улгурган экан. Унинг ўлиmidан каттаю кичик баробар куюнди. Юнусжон 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини таваллуд топганди. Ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб 21 ёшида оламдан ўтди. У фарзандларим орасида ҳар томонлама бошқача эди...

ИҚТИДОРЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ, БИЛИМДОН

«Жасорат» медали соҳиби катта лейтенант Исмаилло Хўжаев Самарқанднинг Нуробод туманига қарашли Оксой қишлоғида туғилган. Ҳарбий билим юртини тамомлаган йигит ҳар томонлама иқтидорли, муаллима янгаси Назира опа таърифлаганидек, «Кўзлари юлдуздек ёниб турадиган бошқача йигит эди у». Исмаилло Сариосиёдаги жанговар ҳаракатга йўл олганида севган ёри висолига эндиgina эришган бир ойлик куёв эди.

2000 йил август, Сурхондарё. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари бир ойдан зиёд вақт мобайнида Сариосиё ва Узун туманларидаги тоғли ҳудудларда



халқаро террорчиларга қарши жанговар ҳаракат олиб боришмоқда. Гуруҳ посбонлари орасида катта лейтенант Исмаилло Хўжаевнинг алоҳида ўрни бор. Рус ва ўзбек тилларидан ташқари тожик ва афғон тилларини мукаммал эгаллаган йигит гуруҳ командири сифатида нафақат тоғлар орасидаги душман билан юзма-юз жангларда, балки ҳарбий вертолёт орқали олиб борилган руҳий таъсир ўтказиш гуруҳи фаолиятида ҳам самарали иштирок этмоқда. Яъни овозкучайтиргичлар ўрнатилган вертолётда турли тилларда тайёрланган мурожаат матнини ўқиб, душманни тинч йўл билан Ватанимиз ҳудудини тарқ этишга даъват қилиш ва шу мавзудаги варақаларни тарқатишда фаол.

Исмаилло навбатдаги жанговар вазифа олдиан ҳалок бўлган дўстларини бир-бир кўз олдиан ўтказди. «Барчаси чапдаст, оловқалб, ўз соҳасининг профессионаллари эди. Уларни ёдга олишнинг ўзи юракка оғриқ беради», чуқур «ух» тортиди йигит.

Вертолёт манзил томон йўл олди. Аммо шу кўни қўйилган жанговар вазифани бажариш чоғида катта лейтенант Исмаилло Хўжаев қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Бугун бу йигитлар орамизда йўқ. Аммо азиз номи, унутилмас хотираси мангуликка муҳрланган. Негаки, Ватан озодлиги ва миллат эрки йўлида жонини қурбон қилганларни унутиш – ўзликни унутиш билан баробар. Юнусжон ва Исмаилло каби шерюрак ўғлонларни она заминини балолардан асрагучи чўнг тоғларга қиёслагим келади. Булар метин қоялар янглиғ ҳамиша миллат хотирасида қад ростлаб, тинчлиги ва келажагига ҳамнафас бўлиб туради...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Асар ҳақидаги мулоҳазаларимни қоғозга кўчиришдан олдин бироз ҳадиксирадим. Совет замонида яшамаган бўлсам ҳам, у давр тафсилотлари билан танишман. Доминант инсон, адабиётшунос бўлишни мақсад қилган, унинг пиллапоялари олдида турган талаба сифатида ўз фикрларимни қоғозга туширишга қарор қилдим.

Ҳозирги адабий жараён доирасида бахслар бўлаётган пайтда устозимиз глобллашув даврида асарларнинг шакли кичрайиб, мазмуну чуқур теранлашаётгани ҳақида айтган эди. Бу фикр қулоғимга шунчалик қўйилдики, мен ҳар бир ўқиган асарларимни шу формулага солиб кўрардим. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романини ўқиётганимда, бу формуладан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Аммо асар формуланинг биринчи қисмига тўғри келмасди. «Лолазор» асарининг ҳажми чиндан ҳам даштдаги лолазор кенгликларидек чексиз.

Ўтган давр асарларида бир томонда салбий, иккинчи томонда ижобий образларни кўрардик.

кетма-кетлиги ҳам айнан унинг ҳақиқатлари асосига қурилган. Асарда менга энг ёққан бир воқеа бор. Яхшибоев биринчи мақоласи чоп этилгандан сўнг буни нишонлаш учун Ошно ва Кулоҳ билан бирга ночоргина ошхонага киришади. Сухбат давомида бирга ишлайдиган Кулоҳ уларга



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодани сканер қилинг.

«ЛОЛАЗОР» ОРАЛАБ

Хатто сюжетларда ҳам бу акс этарди. Бу аънавий услуб «Лолазор»да фойдаланилмаган. Образлар тизими реалликка асосланган. Уларнинг ҳеч бири мутлақ ижобий ёки мутлақ салбий эмас. Аслида ҳаётда ҳеч бир инсон бекаму кўст бўлмайди-ку. Умри давомида вазиятдан келиб чиқиб, ҳар хил йўللardan юришга мажбур бўлади. Асар қаҳрамонлари ҳам шундай вазиятни бошларидан кечиради. Масалан, Назар Яхшибоев романининг бошида, яъни талабалик йилларида кўча безориларига бош бўлади. Шунинг учун ҳаётнинг чиркин йўлларида юриб ўтади. Вақтлар ўтиши билан кимсан Назар Яхшибоев шахси шаклланади. Ахир эндигина юришни бошлаётган гўдак ҳам урилади, туртилади, йикилади, сўнгра ўз одимларини шахдам ташлайди. Яхшибоев образида яна энг характерли жиҳати унинг қалби доим туғён қиларди. Атрофдаги бачканаликлар унинг ғашини келтирарди эди. Буни унинг ушбу сўзларидан билиб оламиз:

«Яхшибоевга айна сўзлар нашъа қилди, чиройи очилди: қанақа иқтидор? Қанақа имконият? Имкониятнинг термометрга ўхшаган чизиқлари борми, гўё талантлороқ одам нуқул иситмалаб юрадигандай? Ижодий маҳсулот бергани нимаси? Барака топгур газетчилар ҳаммаёқни маҳсулотга тўлдириб юборишди, уларга қулоқ тутсанг, бас, сигир бечоралар сут бермайди, балки сут маҳсулотлари беради, ёзувчи асар ёзмайди, балки босма маҳсулотлар беради, пахтакор пахта ўстирмайди, балки тўқув-тикув маҳсулотлари беради! Яшавор-э! Ҳар хил Чоршанбию Остонақулларга шунини айтавериб жоним ҳалқумимга келди-ку!..»

Асардаги яна бир асосий образлардан бири Саидқулдир. Унинг кўнгли яримлиги, йиллар ўтса ҳам ўзлигини англашга бўлган ҳаракати, самимийлиги китобхонда бу образга нисбатан яқинлик, раҳм-шафқат ҳиссини уйғотади. Уни бош образ даражасига кўтариб қўйишади. Баъзилар эса Ошнони бош қаҳрамон деб билишади. Аслида-чи? Менинг фикримча, асарда бош образ фақатгина Назар Яхшибоевдир. Қолган барча – Саидқул, Ошно, Тўпори ва Муҳсина образлари Яхшибоев характерини очиб беришга хизмат қилган. Айниқса, Саидқул бизга Яхшибоевнинг инсонлар наздида қандай бўлганини сўзлайди. Бош образ асарнинг бошидан охиригача ўзининг файласуфона фикрлари ва ҳаётий ҳақиқатларини кашф қилиб боради. Бу ҳақиқатлари эса ҳар бир инсонга мос келади. Асар сюжетининг

устозлик қилишини, ҳозирда улар ёш ниҳоллиги, уларни теракка айлантириши мумкинлиги, улардан Жулқунбой ва Ҳамзадек буюк шахслар чиқишини айтади. Лекин Яхшибоев ва Ошно унинг сўзларига ишонмай, кўп ичганлиги сабабли хомхаёлларга бериляпти, деб ўйлашади. Кулоҳни уйига кузата туриб, унинг бошидан ҳеч ечмайдиган қалпоғини улоқтириб юборишади. Кулоҳнинг бош кийими билан бирга унинг омади ҳам кетгандай эди...

Йиллар ўтгандан сўнг Яхшибоевга аҳмоқона кўринган бу бош кийими аслида Москвадан олиб келингани, зиёли инсонлар киядиган қалпоқлиги маълум бўлади...

Ўша пайтлар Кулоҳнинг сўзлари сафсатадек туюлади. Ўзи ҳам аҳамиятсиз инсондек кўринади. Аммо унинг сўзлари вақтлар ўтиб бу икки дўстда аксини топади ва унинг қанчалик орзуманд ва шерюрак инсонлигини кўрсатади. Сабаби ўша давр муҳитидан келиб чиқиб, бундай орзуларни ҳар қандай инсон ҳам қила олмасди. Бу воқеа орқали Яхшибоевнинг ҳаёти давомида кашф этган энг оддий ҳақиқатлари юзага чиқади.

Ҳотам шўро кичкина қишлоқдаги кичик қобилият эгаларини кўзларида ёш билан кузатади. Лекин бу «кичик» сўзи катта шаҳар, катта лавозим, катта инсонлар бўлиб кетишини қаердан ҳам билсини? У пайтларда бу ҳақда ўйлаш иложсиздек эди. Ҳотам шўро айнан улар танлаб олиниши, имтиҳонда кекса домланинг уларга қилган муруввати, Муяссар хонимнинг Ошнога насиб қилиши, урушдан икки дўстнинг ҳам омон қайтиши тақдирнинг Ошно ва Назарга берган тўхфалари эди.

Қишлоқдан Ўртақўрғонга йўл олган икки ёш йигитнинг тақдирини қарвонбоши билгандек уларга: «Битта шартим бор, пул-мул бераман, деб бир хил жойларини тўмовратмайсан. Пулинг керакмас. Ўқиб, амалдор бўлиб кетганимда қарвон йўлини тўсмасанг, бас». Қарвонбошининг бу сўзларида икки дўстнинг бутун ҳаёти жам бўлган эди.

Йиллар ўтиб, қарвонбошининг сўзлари ёдларидан кўтарилади. Аммо улар давлат учун кўплаб «фойдали» ишларни қилади. Масалан, «маданиятли молхоналар» қуришади. Қўрбонойдек қаҳрамонларча вафот этган пахтакор аёлларни кашф қилишади, Чоршанбидек меҳнаткаш шогирдларни чиқаришади, Шоймардоновиичдек қобилиятли олимларни шакллантиришади.

Буларнинг барчаси икки дўстнинг орзуларимиди?..

Йўқ, улар бошқа мақсад билан Ўртақўрғонга келишганди ва «буюклик»ка эришиб, охир-оқибат умр йўллариининг сўнгги бекатида турганларида барча қилган ишлари фойдасиз бўлганлигини англаб етишади. Буни Яхшибоевнинг ўз оиласидан, фарзандларидан меҳр топа олмаганлиги, лекин шунга қарамай, у халқ учун, инсонлар учун ўз орзуси бўлмиш буюк бир боғ яратиш орқали кимларнингдир хотирасида яшши, яна кимлар учун ёмон инсон бўлиб қолади.

Асарни ўқиб жараёнида яна шунга гувоҳ бўламизки,

унда давр талабидан келиб чиққан ҳолда адабиётшунослар, журналистлар, биологлар, бир сўз билан айтганда, зиёли қатлам орасида кўпчилик билмайдиган оғизликлар очиб берилган. Бу сўзнинг исботи сифатида Яхшибоевнинг бир кўнғироқ билан ишни битириши, журналистлар орасида мақолани бошқа журналист эзиб, муаллифликка бошқа журналист номи қўйилиши ёки бу ерда ҳақиқий қобилият эгалари қолиб, пахтакорларга аталган мақолаларнинг тўлиб-тошиши... Буларнинг барчаси СССР деб номланган салобатли бинонинг емирилиб бораётганидан далолат беради.

Ойбек ўзининг «Навойи» асарида ёзганидек, «Ҳар бир ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат заруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг...» Бу сўзлар «Лолазор» асарида ўз аксини топган. Азиз ўқувчи, озми-кўпми асар ҳақидаги мулоҳазаларимни сизга етказа олдим, деган умиддаман. Роман мутлоааси эса сизга бундан-да кўпроқ завқ беради.

Муаттар МЕЛИЕВА,
ЎЗМУ талабаси

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

“ Ибодат опа учун уруш даҳшатларини эшлаш, хотирлаш жуда оғир, изтиробли эди. Чунки у ўша даҳшатли сурон офатларини қалби билан ҳис қилди, қулоқлари билан эшитди. Шу уруш эмасми, уни жигаргўшасидан айирган, кўзига кенг дунёни тор қилган?! Бу аламли айрилиқни унутиб бўлармикан?! Қалби ўртанади, юраги ёнади. Қани дардига даво тополса! Йўқ, бу дарднинг давоси йўқ. Чунки аччиқ хотиралар бир умрга юрагига битмайдиган яра бўлиб муҳрланганди...

Ўғли Исможон фронтга отланган ўша кун ҳали-ҳамон ёдида. «Болам, Аллоҳга омонатсан. Сен менинг жон томиримсан. Жон томир узилса, нима бўлади, биласанми? У узилса, мен ҳам узиламан. Сен менга тирик қайтишга ваъда бер. Ваъда берасан а? Душманга аёвсиз бўл. Юзинг ҳаммиша ёруғ бўлсин». Онасининг уни бағрига босганча йиғлаб айтган бу сўзлари Исможоннинг қалбини титратгани рост. У жангларда кечган умри давомида онасининг охириги сўзларидан куч олди, қувватга тўлди. Барибир уруш ўз номи билан уруш экан. Неча-неча бор бу оловли муҳорабадан омон чиқишдан умидини узган вақтлари бўлди. Лекин тақдирда бор экан, ҳар гал ўлимга чап берарди. Унинг учун урушнинг энг катта талафоти, энг аламлиси, энг ўқинчлиси азият инсонларини, яқинларини, дўстларини йўқотгани бўлди. Лекин бу йўқотишлар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмас экан. Чунки инсонларга умр бир мартаба берилади. Эсиз, жувонмарг бўлган миллион-миллион умрлар, аянчли хотима топган тақдирлар... Шулар ҳақда ўйласа, душманга нисбатан нафрати ошарди. Бу ҳис эса уни жангларда жасорат кўрсатишга ундарди. Шундай қилиб, унинг номи тилларга тушди.

ТОШКЕНТЛИК
ЧАПАНИ ЙИГИТ

Исможон Усмонов 1923 йил Тошкент шаҳридан унча узок бўлмаган, кўм-кўк боғ-роғлари бисёр сўлим Қатортол қишлоғида (ҳозирги Чилонзор тумани) туғилди. Отаси Усмон Расулов деҳқончилик қилиб, шунинг орқасидан тирикчилик қиларди. Онаси Ибодат опа деҳқончилик ишларида турмуш ўртоғига кўмак берар, иккиси ҳам жуда олижаноб, меҳридарё инсонлар эди. Шунинг учун маҳаллада уларнинг оиласига ҳамма ҳавас билан қарарди. Олманинг тагига олма тушади, деганларидек, Исможон ҳам худди ота-онасидай фазилатли йигит бўлиб улғайди. Етти йиллик мактабни муваффақиятли тамомлаб, зоотехниклар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Курсни битириб эса ўз қишлоғида зоотехник бўлиб фаолият бошлади.

Шундай кунларнинг бирида бутун мамлакатга уруш хабари тарқалди. Ўшанда Исможон ўн тўққиз ёшда эди. Ўртадаги барча эр йигитлар қатори урушга боришни ўзи учун бурч деб билган ўғлон кўнгилли бўлиб, армияга отланди.

Исможон келган гуруҳни ҳам дастлаб фронт чизигидан узокда бўлган ҳарбий қисмга олиб боришди. Бу ерда уларга жанг қилиш, қуролдан фойдаланиш бўйича таълим беришди. Етарлича кўникамага эга бўлганларидан сўнг фронтга йўл олдилар. Бу вақтга келиб, совет қўшинлари фашистларни Москвадан бир неча юз километр узокқа улоқтириб ташлаган эди.

ЎЗБЕКНИНГ
ДОВЮРАК ФАРЗАНДИЖАНГТОҲ – ЖАСОРАТ
МАЙДОНИ

1943 йилнинг август, сентябрь ойларида Фарби-жанубий ва Жанубий фронтларнинг қўшинлари душманга оғир талафот етказди. Улар Дон ҳавзасини озод қилиб, душмани Днепр ва Малочный дарёлари томон қувиб келадилар.

...Аскарлар учун Днепрнинг фарбий соҳилидан кечиб ўтиш биров қийин кечди. Чунки душмanning уч-тўрт пулемёти жангчиларни тинимсиз ўққа тутиб, кўз очиргани кўймасди. Бу эса муҳим операцияни амалга оширишни орқага тортарди. Шу оғир дақиқада Усмоновнинг жанговар маҳорати иш беради. У душман пулемётларининг бирини мўлжалга олиб, тепкини босади. Кейин иккинчи, учинчи пулемётни ҳам шундай қилиб ишдан чиқаради. Жангчилар эса вазиятдан оқилона фойдаланиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтиб оладилар. Фашистлар буни сезиб қолгач, жон-жаҳди билан қарши ҳужумга ўтади. Лекин бу пайтда Усмоновнинг гуруҳи дарё қирғоғида туриб, ўз тўпларидан душманга қарши снаряд ёғдира бошлаган эди.

Навбатдаги муваффақиятдан сўнг фронтнинг бошқа қўшилмалари ҳам душмanning Днепрнинг чап соҳилидаги Запорожье плацдармига яқинлашиб борарди. Исможон Усмонов хизмат қилаётган қисм ҳам бу жангга зўр тайёргарлик кўриб турарди. Жанг олдидан кичик митинг ўтказилди. Унда жангчиларнинг энг

фаоли бўлган 333-Қизил Байроқли Синельниково ўқчи дивизиясининг 1118-полки, 5-ротаси кичик сержанти Исможон Усмоновга сўз бердилар. У жумладан шундай деди: «Днепрнинг фахри – Запорожье биз, халоскорларини икки йилдан бери кутмоқда. Уртоқлар, фақат шиддатли ҳужум билангина олдинга ҳаракат қилиб, жабрдийдаларни озод қила оламиз. Мен қасамёд қиламанки, бу жангда ҳам гитлерчиларга қарши қаҳрамонларча курашаман! Сизларни ҳам жасоратли ва шиддатли

пойтахти Киев устида қизил байроқ ҳилпиради.

Совет армияси душмanning изма-из қувиб, ортга қараб чекинишга мажбур этди. Ҳар бир шаҳар, қишлоқни фашистлардан озод қилган сари аскарларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилиб борарди. Кичик сержант Исможон Усмонов ва унинг бўлинмаси ҳам шундай кўтаринки кайфиятда жангни давом эттирарди.

Ҳа, унинг бўлинмасидаги йигитлар ҳам жасурликда, довуракликда Исможондан қолишмас эди. Бунга



ушбу бўлинмада хизмат қилаётган бир жангчининг Тuroжний ўрмонида кўрсатган жасорати ҳам мисол бўла олади. Ўшанда жангчи ўрмон ичида разведкага бораётиб, бир гуруҳ фашистларга дуч келади. Вазиятнинг қалтислигига қарамай ёлғиз ўзи уларга ташланади. Натижада бир нечасини ўлдирди, яна бир нечасини асир қилиб олиб келади.

МАРДЛИК – МАНГУЛИК

1943 йил ноябрь ойининг охирилари эди. Уларнинг бўлинмаси Днепр дарёсининг ўнг соҳилида душман билан тўқнаш келди. Ўшанда Исможон Усмонов душман томонидан қуюндай ёғилиб турган пулемёт ўқи ва миномёт ўтига қарамай биринчилардан бўлиб Днепр дарёсининг ўнг соҳилига ўтади ва қулай плацдармни эгаллайди. У бу ишни ўта чапдастлик ва маҳорат билан адо этадики, бўлинмадагилар ҳам унинг жасоратига тан беради. Бўлинма ҳужумга ўтган пайтда эса кичик сержант Усмонов душман траншеясида бостириб қиради. Даҳшатли ва шиддатли жанг пайтида Усмонов душмanning станокли пулемётини йўқ қилди, саккизта душман аскарини, битта офицер, яна битта унтер-офицерни асирга олади.

Кичик сержант Исможон Усмонов Каменское қишлоғини озод қилиш учун бўлган жангда ҳам шундай жасорат кўрсатади. Ўшанда у душмanning ўт очиш нуқтасига яшириниб бориб, граната иргитади. Шундан сўнг бўлинма ҳужумни бошлайди. Аммо душмanning қўли баланд келади. Бўлинма тун бўйи душмanning учта шиддатли қарши ҳужумини қайтарди. Шу жангларда Исможон Усмонов ўн бешдан ортиқ душман аскар ва офицерларини кириб ташлайди ва бошқаларга намуна бўлади.

1944 йилнинг январь ойида душман траншеясида бўлган даҳшатли жанг вақтида довураклиги, жасурлиги билан бутун мамлакатда ном қозониб улгурган кичик сержант Исможон Усмонов мардларча ҳалок бўлади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 февралдаги фармони билан кичик сержант Исможон Усмоновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

КИЕВ УЧУН ЖАНГ

1943 йилнинг октябрь ойи. Бу вақтда Украина тупроғини фашистлардан тозалаш учун аёвсиз жанг кетарди. 1-Украина фронти қўшинларининг олдида энг муҳим вазифа – Украина пойтахти Киевни озод қилиш турарди. Кичик сержант Усмоновнинг бўлинмаси бу сафарги жангларда ҳам ўз вазифаларини шараф билан адо этишга киришади. Яна йўқотишлар, талафотлар... Лекин шундай бўлса-да, улар муваффақият қозонди. 1943 йилнинг 6 ноябрь куни эрта-лаб Украинанинг гўзал ва бетакрор

КАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

1-синфга қадам қўйган Улуғбек мактабга бориш учун ҳар куни темир йўлни кесиб ўтади. Бир куни серсавол болакай қўлидан маҳкам тутиб кетаётган дадасига юзланди:

- Бу поезд доим шовқин солиб, қаёқларга бориб қайтади?
- Унинг манзили узоқ. Мана шу темир издан мактабу маҳаллалар, бозору мазорлар, тоғу тошлар, қир-адирлар бўйлаб қатнайди.
- Сиз ҳам поездга чиққанмисиз?
- Ҳа, албатта.
- Одамлар бекатда кутган поезд ортга қайтмаслиги ҳам мумкинми?
- Ҳа, болам. Бу ҳаётда қутилмаган ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин...

ЯХШИ ВА ЁМОН ПОЕЗД

Дарс тугаб, уйга қайтар экан, Улуғбек темир йўл ўртасида тўхтаб, синчиклаб разм солди: узлуксиз икки темир изни одамзотнинг оёғига қиёслади. Ҳар қандай оламшумул ихтиро ҳаётдан олинганини бола шури англаб етмагандир, аммо ўшанда унинг турфа бекатларини томоша қилишни орзу қилгани рост.

Синф раҳбарининг эртага она юрти – Кримга қўчиб кетиш дарагини эшитди-ю, эндигина



3-синфга кўчган Улуғбекнинг тинчи бузилди. Тўғри, айрим фанлардан бир-иккита тўрт баҳоси бор, лекин синф сардори сифатида тартиб-интизом ўрнатиш, жамоани бошқаришда унга тенг келадигани йўқ. Шу боис, у устози эътиборини қозонган, мураббийи бошқа ўқувчилар қатори уни ҳам меҳр риштаси ила боғлаб олган эди.

Тонг сахарлаб ота-онасининг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, вокзалга югурди. Улар ҳам боланинг ортидан қолмади. Ахйир, учовлон муаллима вагонини кидириб топди. Кўзлар кўзларни таниди, кўнгил тубида меҳр жилоланди. Кузатишга чиқишини кутмаган устози унинг пешонасидан ўлди. У аёлочи бўлишга ваъда берди. Поезд кўзгалди. Ўшанда умрида биринчи марта Улуғбекнинг кўзига поезд балодек кўринди.

Ҳатто унинг ортидан тош отмоқчи бўлди. Аммо бу тўғри иш эмаслигини билиб, тақдирга тан берди.

Улуғбек мактабда ҳамма фанлардан аълога ўқиди. Дарсдан кейинги бўш вақтида қўл жанги, Шарқ яккакураши турлари билан мунтазам шуғулланди. Мактабни битириб, ҳунар-техника билим юртининг автомобил-созлик йўналишида ўқиб юрган кезларида ҳам спорт унинг доимий ҳамроҳи бўлди. Ота-сининг руҳсати билан спорт тўғрисида тинмай қатнашдан мақсади армия сафларида хизмат қилиб, ҳарбий бўлиш экан.

Тақдир тақозоси билан билимга чанқоқ ўсмир ўзи хоҳлаган поездга ўтирди. Энди унинг мақсади бекатларни томоша қилиш эмас: муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун Каттақўрғондан Тошкентга йўл олган эди.

ЖАСОРАТИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН



ЁРҚИН ХОТИРА

Сержант Улуғбек Барноев 2000 йили Сурхондарё вилоятидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлган ўғлонлардан бири. У 1978 йил 1 ноябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри «Чинобод» маҳалласида туғилган. Шаҳардаги 16-умумтаълим мактабини битиргач, ҳунар-техника билим юртида таҳсил олган. 1997 йили Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этиб, муддатли ҳарбий хизматдан сўнг Мудофаа вазирлиги қўшинларида шартнома бўйича хизматга қақирилган ва махсус қўшинлар батальонида қабул қилинган. Хизмат вақтида у ҳар томонлама чиниқиб, нуфузли мусобақаларда, халқаро террорчи гуруҳларга қарши ўтказилган жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этган.

2000 йил 4 август куни. Сурхондарёнинг тоғли ҳудудлари. Қуролли тўқнашув айнаи авжига чиққан. Отишма чоғида унинг қуролдош дўстлари Бобур ва Маъруфжон оғир жароҳатланди. Улуғбек дарҳол кўмакка чоғланди. Ярадорлар очик майдонда қолиб кетгани учун ёнидаги дўстидан ўша ёққа боргунча уни тўсиб туришини сўрайди. Аммо чор тарафдан ғаним ўқи ёғилаётгани, у ёққа бориш муқаррар ўлим эканлигини айтиб, сафдоши Улуғбекни фикридан қайтаришга уринди. Бу пайт Қаҳрамон Мадолимов икковлоннинг яраларини боғлаб, четроққа олаётган эдики, бошига ўқ тегди. Улуғбек ортиқ тоқат қилолмай, жанг майдонида Қаҳрамонни қутқаришга уринаётганда, ёвнинг снайперига нишон бўлди...

Унинг жўмардлиги учун қуролдош дўстлари Улуғбек ҳақида шеър тўқишган:

*Фахрларан эдик Улуғбек билан,
Чунки орамизда чемпион эди.
Мангу жасорати тилларда қолган,
Охир сўзида ҳам Ватаним, деди.*

22 ёшни қоралаган Улуғбекни ота-онаси уйлантириш тараддудига тушган эди. Сентябрь ойида қайтиб келаман, дея кетган ўғилдан фақат ёрқин хотиралар қолади, деб ким ўйлабди дейсиз?!

Бу воқеалар вақтида Улуғбекнинг укаси Отабек Барноев муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган эди. Йигитлик бурчини адо этиб қайтгач, у худди акаси сингари Мудофаа вазирлиги қўшинларида хизмат қилди. Кичик сержант ҳарбий унвонига эга бўлди. Икки ўғлининг ўз юртига муносиб фарзанд бўлиб улғайгани бугун ота-онасининг қалбини фахру ғурурга тўлдирди.

«ДУШМАН НИМА ДЕГАНИ?»

Улуғбекнинг отаси билан суҳбатлашар эканмиз, бир воқеани ёдга олади:

– Бир куни уйдан чиқиб қўққисдан манзили ўзгарган қўшнимиз буюмини бизникида қолдирибди. Уйда боғча ёшидаги Улуғбек укаси ва синглиси билан қолган, биз ишда эдик. Сўнг ўша буюмни иккинчи бир қўшнимиз олиб туришни сўраб қиради. Аммо Улуғбек бунга қаршилиқ қилиб, молнинг эгаси келмагунча бермайман, дебди. Кечки пайт уйга қайтсак, ҳамсоямиз бўлган воқеани айтиб, жажжи ўғлимнинг ақл-идроки, заковатидан лол қолган эди. Умуман, маҳалламиз аҳли Улуғбекнинг инсонийлик хислатларини яхши эслайди. Қўлида қандай юк бўлмасин, уйигача оғирини енгил қилишга чоғланган. Бировнинг омонатиға хиёнат унга ёт эди.

Абдулла бобо уйида ўғлига атаб мўъжазгина музей ташкил этган. Уй-музейдаги суратлар, мактублар, қатор медалъ ва эсдалик нишонлари Улуғбек билан боғлиқ хотираларни жонлантиради. Бу хонадон одатда, мактаб ўқувчилари билан гавжум бўлади. Бу ерга келувчиларнинг баъзи саволлари отахонни ҳам уйга чўмдиради.

– Улуғбекнинг душманга қарши курашганини эшита туриб, бошланғич синф ўқувчиларидан бири тўсатдан «Душман нима дегани?» деб сўраб қолди, – дейди Улуғбекнинг отаси Абдулла Барноев. – Бироз ўйланиб, жавоб қилдим: – Душман уч хил бўлади. Биринчиси – ўғри. У молингни, бойлигингни ўғирлайди. Иккинчиси – қароқчи. У молингни ҳам, жонингни ҳам олиши мумкин. Энг охирги тоифадаги душман – босқинчилар. У юқоридаги икки нарсадан ташқари, юртингга дахл қилади. Тинчлигингга рахна солиб, эркиннга эғалик қилади. Ватан посбонлари бизни шундай ёвлардан ҳимоя қилади.

Ҳозирги кунда қаҳрамонимиз туғилиб воғга етган йирик кўча унинг шарафига номланган. Улуғбек Барноев ўқиган мактаб ва коллеж ҳовлисида унга аталган ёдгорлик мажмуаси қад ростлаб турибди. Сержантнинг катта жасорати, Ватан олдидаги қаҳрамонлиги ёдимизда абадий сақланиб қолади.



Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Vatanparvar»



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коддини сканер қилинг.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИДА ҚЎШИН ТАЪМИНОТИ ВА ҲАРБІЙ МАШҒУЛОТЛАР

Тарихчи олим Акбар Замоновнинг «Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви» номли монографияси асосида

(иккинчи мақола)

АСОСИЙ МАОШ ХАЗИНАДАН БЕРИЛГАН

Тарихда қўшин таъминоти қурол-яроғ ва аслаҳалар, от-уловлар, ойлик маошлар, мукофот ва совға-ҳадяларнинг бир қисми давлат хазинасидан тўланса, бир қисми енгилган рақибнинг талон-торож қилинган мол-мулкидан – қўлга тушган ўлжадан қопланган. Шайбонийлар даврида ҳам шу тартиб амалда бўлган. Бироқ олим Акбар Замонов Шайбонийлар даври қўшин таъминоти ҳақида гапирганда, яна бир масалага: таъминот манбалари ва миқдорига ҳамда адолат мезонларига амал қилинишига эътибор қаратиш керак, дейди. Унинг таҳлилига кўра, қўшин бошлиқлари, ҳарбий амалдорлар ва навкарларга йиллик маош хазинадан ажратиларди. Миқдори мансаб ва макеи, давлат олдидаги хизматларига қараб белгиланарди. Умуман олганда, ҳарбийларнинг тақдирланиши даражасига кўра қуйидагича бўлган:

- олий даражадаги мансаб эгаларига – зардуш тўнлар, қимматбаҳо тошлар ва металл билан безатилган камар, қилич ва ханжар, олтин нақдиналар, тўбичоқ от, ногора, туғ, асирга олинган жориялар инъом этилган;

- аскарларга – ҳарбий анжомлардан ташқари пойабзал, тўн ва бошқа кийим-бошлар, от, олтин, қумуш буюмлар, чинни идишлар, нақд пуллар тақдим қилинган.

Хазинадан тўланадиган йиллик маошдан ташқари жангларда қўлга киритилган ўлжа қўшин ўртасида тақсимланган. Қурол-яроғ таъминоти давлат ҳисобидан бўлган.

Алоҳида жасорат кўрсатганлар жанг майдонининг ўзидаёқ муносиб тақдирланган. Давлат хазинасидан бериладиган йиллик маошдан ташқари қўшин бошлиқлари ва навкарларга қўлга тушган ўлжанинг бир қисми тарқатилган. Бундай ҳолатларда пийдаларга нисбатан отлиқларга кўпроқ тақсим қилинган. Эгалланган шаҳар ёки қалъада ғолиб жангчилар учун маълум муддат талон-торож қилишга рухсат берилган. Бу каби ҳолатлар «Бобурнома»да ҳам учрайди. Талон-торож кўп ҳолларда «моли омон» солиғи билан алмаштирилган. «Моли омон»да йиғилган бойликлар тақсимоотида ярадорларга алоҳида эътибор қаратилган.

УНДИРУВЧИЛАР

Талон-торожга йўл қўйилмаган тақдирда жангда сарф этилган моддий ва маънавий зарарни ҳисоблаган

ҳолда шаҳарларга ундирувчилар тайинланган. 1507 йил май ойида Хирот шаҳри Муҳаммад Шайбонийхон томонидан босиб олинган, шаҳарнинг юқори табақа вакиллари пуллар ва қимматбаҳо буюмларини олиш учун ундирувчилар юборилган. Ва улар бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган тарихчи Хондамирнинг ёзишича, обдор лаълу жавоҳирлар, шохвор дурлар, руммоний ёқутлар, бадахшоний лаъллар, олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмларни йиғиб олганлар.

ОШ СОЛИҒИ ВА ТАНҲОДОРЛАР

Уруш ҳаракатлари даврида ўтрок аҳолидан ошлиғ – озиқ-овқат солиғи ундирилган. Бу солиқ доимий бўлмаса-да, ҳаракатдаги қўшинни сақлаш, уни озиқ-овқат билан, отларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида пул ёки маҳсулот кўринишида йиғилган. Бу солиқларнинг миқдорини ҳукмдорнинг ўзи қўшин эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланган. Жангларда жасорат кўрсатган жангчилар истеъфога чиқиш истагини билдирганда, агар ҳукмдор манфаатдор бўлса, қимматбаҳо совғалар ва ер-мулк ҳадя қилиш билан уларни қўшинда олиб қолган.

Ҳарбийларга хизматлари эвазига хон томонидан муайян мулклар берилган. Бундай мулк «танҳо» деб аталиб, унинг эгаси «танҳодор» дейиларди. Танҳодорлик ҳуқуқи маълум муддат ёки умрбод берилиши ҳам мумкин эди. «Танҳо» ворисларга тўғридан-тўғри мерос сифатида ўтмас, агар танҳодорнинг ўғли мулкка эгаллик қилмоқчи бўлса, отасининг вазифасини эгаллаши керак эди.

Ҳарбийлар ихтиёридаги шахсий мулклар солиқдан озод этиларди. Мабоодо бирон-бир жиддий айбга йўл қўйса, ҳатто саркардалар, қўшин амирларининг ҳам мол-мулклари мусодара қилинарди.

Қўшин мусиқачилари чолғуларининг харажати хон хазинасидан ажратилган маблағлар эвазига қопланган. Жангларда алоҳида жасорат кўрсатган саркарда ёки бўлинкага ҳукмдор томонидан қимматбаҳо тухфаларга қўшиб, ногора, довул каби мусиқа асбоблари ҳам берилган.

ТИР

Шайбонийлар қўшинида ҳарбий тайёргарлик ва машғулотлар жараёнида биринчи навбатда жангчиларнинг жисмоний тайёргарлигига жиддий аҳамият берилган. Чаван-дозлик, чавгон ўйини, ўқ отиш, қураш уларнинг асосий машғулоти бўлган. Тахт вориси ва шахзодаларга эса давлат ишларини юргизиш, ҳарбий санъат сирлари бўйича махсус



тайинланган оталиқлар сабоқ берган.

Нишонга қарата ўқ отишга мўлжалланган иншоот – тир ҳақида «Бобурнома»да гапирилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Хиротдан шимоли-шарқда жойлашган боғ ўртасида сарой билан бирга тир ҳам барпо этилган. Бу ерда шахзодалар билан бирга қўшин баҳодирлари иштирокида баландликка осилган қовоқ, тахта ёки қорозга ўқ отиш бўйича мусобақалар ўтказилган.

ҚОВОҚНИ НИШОНГА ОЛИШ

Очиқ майдонда ўтказилган отда югурган ҳолатда қовоқни қилич билан чапиш ёки ўқ билан нишонга олиш каби машқлар ҳар бир жанг олдида тайёргарлик вазифасини ўтаган. Фазуллоҳ ибн Рўзбеҳхоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида айнан қовоқни нишонга олиш тасвири кўрсатилган. Муаллифнинг ёзишича, 1509 йилги юриш олдида Шайбонийхон ҳузурига барча султонлар қовоқни нишонга олиш учун от миниб майдонга келишади. Қовоқ Шайбонийхон турган тантаналар майдонига ўрнатилган. Кучини синамоқчи бўлган ўн мингга яқин ўзбек баҳодири ўз кучи ва абжирлигини кўрсатишга ҳаракат қилиб, бир-бирини гиж-гизлаб, қовоққа ташланадилар. Тарқоқ ҳолда жанг қилган каби унинг ёнидан ўтиб кетар ва юқорига осилган қовоққа камондан ўқ узардилар. Бу тасвир жанглар олдида ўзига хос тайёргарлик машқлари бўлганини англатади.

ЗЕҲГИР ВА ТЎП

«Бобурнома»да яна бир машққа таъриф берилган: бармоққа кийилдиган ангишвонага ўхшаш мослама – зеҳгир бир ярим қарич чилвирга боғланган, чилвирнинг бир учи ёғочга маҳкамланган. Жангчилар унинг атрофида айланиб, зеҳгир ҳалқасини нишонга олиб, ўқ отганлар. Ўқни зеҳгирдан ўтказганлар мерган ҳисобланарди.

Тўплар ва милтиқлар пайдо бўл-

ганидан кейин уларни синаб кўриш, жангга ҳозирлаш, нишонларга отиш каби жанг олди тайёргарликлари бўлган. Бобур тўпчи муҳандис Устод Алиқули тўпни бенуқсон қуриб бўлганидан кейин ундан отишини томоша қилишга бордим, деб ёзади ва тўпдан отилган тош 1 600 қадамга учиб борганини қайд этади.

ОТ – ЖАНГЧИНИНГ ҚАНОТИ

Туркийларда от жангчининг қаноти ҳисобланган. Шу боис ҳарбий мақсадларда фойдаланиладиган отлар алоҳида меҳр билан парваришланган. Ўғил болалар от минишга ва ов қилишга ёшлигидан ўргатилган, бу уларнинг от, туя ва бошқа ҳайвонлар ҳусусиятларини ахши билиб, моҳир жангчи бўлиб етишишларига замин тайёрлаган.

Хон иштирокида жиддий тайёргарлик кўриб ўтказиладиган ов – шикорлар ҳарбий машқ, тайёргарлик вазифасини ҳам бажарган. Овчилар, яъни жангчиларнинг ов пайти қай тартибда саф тартиб туриши ва овни қуршаб, ҳалқа ичига олиши маълум қоидалар асосида белгилаб қўйилган. Ов ҳайвонлари ўраб олинган доирадан марказга томон суриб келинар, бирорта ҳам ҳайвоннинг ҳалқадан чиқиб кетишига йўл қўйилмас эди. Ҳалқа ичида дастлаб хон ов қилган. Кейин у бир тепаликка чиқиб, шахзодалар, амирлари ва бошқаларнинг ов қилишларини томоша қилган.

Овнинг яна бир муҳим вазифаси зарурат бўлганда қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш эди.

Хуллас, шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида қўшин пала-партиш йиғилмаган ва дуч келган одамлар лашкар сафида хизмат қилиб кетмавермаган. Олий бош қўмондондан тортиб, то оддий аскар, лаҳм қазувчи ёки солчиларгача махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Улар доимий жанговар шай ҳолатда бўлган. Овларнинг мунтазам ташкил этилиши жанговар руҳни йўқотмаслик ва айрим қуролларни синовдан ўтказиб туришга хизмат қилган.

Фурқат ЭРГАШЕВ
тайёрлади.

ТАРИХ

КАФФОРАТ

Хожа Убайдуллох Ахрор соғлиғи ёмонлаша бошлади. Вафотидан икки кун аввал: «Соғайсам, беш ойдан сўнг саксон тўққиз ёшим тўлиб, тўқсонга кираман. Улуғлар: «Шариф ҳадисда «хасталикнинг бир куни – умрининг бир йили каффоратидир», деб айтишган», деди. Турон қавмининг улуғларидан бири 89 кун хаста ётди ва 89 йил яшади, 90 ёшга ўтмади.

Куйида келадиган саҳифаларда бир Инсон ва унга берилган 89 йиллик умрининг айрим манзараларини ёритишга хизмат қиладиган сатрларни йиғишга ҳаракат қилдик. Бу умр соҳиби ҳаётининг барча йиллари каффоратини Ер дунёсидан кетмасдан бурун тўлашга мушарраф бўлган экан. Уч сатрагина жо бўлган шу митти ҳикоя бир Инсоннинг жамият, миллат, тарихдан тўлиқ қарзини узиб кетгани ҳақидаги катта Воқеани акс эттираётир. Бу ҳикоя бизнинг даврдаги тириклик томчиларига чанқоқлар суҳбатидан олинди. Уларсиз қалбда каффоратнинг турфа хил ниҳолларини ўстириб бўлмайди.

Муаррихлар ва тадқиқотчилар ахборотига кўра, Хожа Убайдуллох Ахрор ҳижрий 806 йили шариф рамазон ойида (1404 йил март-апрель) Тошкентда туғилган. Биз бу ахборотдан узоқлашмаймиз. Мазкур ишимизда у олтин Қозик вазифасини ўтайди.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ХОЖА УБАЙДУЛЛОХ АХРОР

Улар ҳаётда бир-бирини кўрмаган, учрашмаган. Ҳазрати Хожа дунёга келган йили Соҳибқирон Хитойга юриш қилишнинг режалаётган эди. Кўп ўтмай, Туронда мисли кўрилмаган катта қудратли қўшин тўпланади. Ҳижрий 807 йили жумад ул-аввал ойининг 23-куни (1404 йил 27 ноябрь) Амир Темур улкан черик билан Самарқанддан кўзгалади. Ўша куни Хитойга ҳарбий юриш бошланганди. Аммо бу тарихий ҳодиса кутилмаганда шавбон ойининг 17-куни (1405 йил 18 февраль) тўхтаб қолади. Соҳибқирон 71 ёшида (милодий 69) ўтрор мавзе-сида шу куни ёруғ оламни тарк этганди.

Бу маҳалда Соҳибқироннинг набираси Халил султон 200 минг қўшин билан Тошкентда қароргоҳ тикиб, навбатдаги олий фармонни кутаётганди. Қаҳратон қишда Хитой юриши ва истилоси ҳақидаги гап-сўзлар барча суҳбатларни қиздираётганди. Хожа Убайдуллох Ахрор хонадониди ҳамма тўй тараддуди билан хурсанд эди. Хожанинг ўзи гоҳида бу воқеани асхобларига ҳикоя қилиб берар экан: «Бир ёшга тўлгандим. Сочимни олиб, тўй қилишаётганди. Ноҳоҳ, Амир Темур вафот этгани ҳақида хабар келди. Одамлар ўзларини ҳар ёққа ура бошлади. Ҳатто, пишиб турган ошга ҳам биров қарамасди. Катталар қозонларни тўнтариб, тоққа чиқиб кетишди».

Бу ҳодиса Хожа Убайдуллох Ахрор болалиги хотирасида қолган Соҳибқирон вафотида оид лаваҳдир. Ўшанда тўйдаги кўрқинчи, хавотир, безовталиқ Турон қавмининг ҳар бир хонадонига шу тариқа кириб келган. Эл кўрқиб, кутгани содир бўлади. Қудратли салтанат жуда тезлик билан парчаланиб кетади. Бир сафда савашга кирган жангчилар энди бирдан бир-бирига ёғий қўшинга айланиб қолганди.

Юртнинг икки улуғи – Соҳибқирон Амир Темур ва Хожа Убайдуллох Ахрор тарихи шу кичик тўй воқеасида туташади. Сўнгра у ўзига ҳос тарзда кейинги авлодлар ҳаётида бир асрга яқин давом этди. Айни пайтда бу тўй ҳазрати Хожанинг 1404 йили март ойида Тошкентда таваллуд топгани ҳақидаги маълумотни ҳам қувватлайди. Бу ҳодиса бизни ҳам барча тарихий воқеалар атрофида айланувчи олтин Қозик ёнидан узоқлаштирмайди.

«МАЪРИФАТ ХОНАСИ»ДАГИ ТАСВИРЛАР

Хожа Убайдуллох Ахрор ҳаёти атрофида «икки тараф» жамоат пайдо бўлган. Улар узоқ ўтмишдан ҳозиргача баҳслашади. Аммо жамиятда салмоқли «тарафсиз» (бетараф) тоифа ҳам бор. Шўрлар даврида мактабда ўқиб юрган кезларимиз Мирзо Улуғбек ва Хожа Убайдуллох Ахрор ўртасидаги кескин курашлар тўғрисида кўп эшитардик. Бу суҳбатлар баъзан тўйлар кўнукларида ҳам қизгин тус олиб кетарди. Охир-оқибат Мирзо Улуғбек ўлдирилишида Хожа Убайдуллох Ахрор бош айбдорлардан бири бўлиб чиқаверарди. Бу биз... тўғрироғи, ҳар бир қалб учун жуда ёқимсиз ва хунук, руҳни букадиган «тарих» эди.

Бир куни жамоа ҳўжалиги идорасининг «маърифат хонаси»га ҳар хил катта расмлар (плакатлар) келтирилди ва кишлоқдаги кутубхоналар (у

УЙҒОҚ НАФАС

(биринчи мақола)

пайтлар улар кўп ва бой бўларди), дала шийпонлари, ҳўжалик фаоллари хоналарига осиб қўйиш учун тарқатилди. Қизиқиб, мен ҳам улардан бир донадан уйга олиб кетдим. Суратлар тағида ёзувлари ҳам бор эди. Бирида Америка байроғи акси туширилган узун фарангқалпоқ (шляпа) кийган, сигра тутатаётган ва хунук тиржайиб турган одам тасвирланганди. Тағида қора ниятли Америка империализми ёвузликлари таърифланганди. Яна бирида қанотли «першинг» ракеталари акс этганди ва тағида ёзилган куйидаги сатрлар ёдимда қолган:

Пентагон ниқоби берамиз ёрдам,
Сўнг талар, қон тўқар, босиб олар ҳам.

Биттаси жуда оғир эди. Қараганнынг кўксини оғир тош каби босарди. Уни шакллантирган ранглар ҳам ҳудди шу мақсадда танлангани аниқ. У Хожа Убайдуллох Ахрор ҳақида эди. Қандайдир қудуқ ҳам элас-элас эсимда турибди. Тасвирда «ўта реакцион», «диний мутаассиб», «илм-фаннинг ашаддий душмани», «Мирзо Улуғбек ҳалокати айбдорларидан бири» бўлган шахс тасвирланганди. Бу тасвирлардаги Қарашлар орқали Дунёга боққан кимса Турон ўтмишида қоронғиликдан ўзгасини кўра олмасди. Бунга ўхшаш маълумотлар республикадаги барча таълим тизими дарсликларига ҳам киритилганди. Бу тарафдаги жамоа назарида – Хожа Убайдуллох Ахрор чексиз мол-мулкка эга бўлган, халқни аёвсиз «талаган», «эксплуатация қилган» золим феодал бойларнинг типик вакили эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида «маърифат хона»ларида жаҳолат билан шу тариқа кураш олиб бориларди.

ЭЛНИНГ ЮКИ

Иккинчи тараф вакили ёзади: «...Хожа Ахрор ерлари Тошкент вилоятидан Амударё соҳилларига-ча бўлган ҳудудда 1 300 дан ортиқ экинзорларни ташкил этганини эслаганди. Шуниси эътиборга сазоворки, тадқиқот ишларида аниқланишича, майда мулкчилар солиқлардан қутулмоқ учун ўз ерларини Хожа Ахрор ихтиёрига ўтказишган. Хожа Ахрорнинг ҳукмдорлар олдидаги нуфузи шариатда белгиланганидан (ушр, мол, закот) ташқари фавқулодда солиқларни меҳнатқашлар гарданига юклашдан уларни ҳимоя этган. Хожа Ахрор ерларининг кўпайиб боришига бу омил ҳам бир сабаб бўлган, холос. Деҳқончилик, чорвачиликдан ташқари Хожа Ахрорнинг шаҳарларда ҳам ҳунармандчилик расталари, устaxonалари бўлган ва булардан ҳам катта даромад келиб турган».

Бошқа тадқиқотчи бу ахборотга: «Олимларнинг ёзишича, Хожа Ахрорнинг Қаршида 150 минг таноб, яъни 28 минг гектар ери; Самарқандда 200 минг таноб, яъни 35 минг гектар ери бўлган», деб қўшимча қилади. Асомиддин Ўринбоев: «Умаршайх мирзо Тошкент аҳолисида 250 минг динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Ахрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70 минг динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган», деб маълумотларни давом эттиради. Хожа Убайдуллох Ахрор бир умр эл юкини кўтариб, мискинларнинг оғирини енгил қилишга урингани ҳақидаги ахборотлар жамоат ўртасида XX асрнинг 80-йилларида очикроқ пайдо бўла бошлади.

ТАЛҚИН ВА ИХТИЁР

Замонларнинг долғали жараёнларида қарашлар, талқинлар ўзгараверган. Бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Битта тарихий воқеани – бир тараф «зулм билан халқни оғир иқтисодий ва маънавий қарамликда сақлашга уриниш», деб қораламоқда; иккинчи тараф «элнинг бир йиллик солиғини тўлаган саховат соҳиби», деб олқишлайтир. Улар фақат Хожанинг ҳисобсиз бойлиги масаласида ихтилофсиздир. Уларнинг иккисига ҳам осонгина қўшилишининг иложи йўқ.



Буни бирор ўқувчидан талаб қилиб ҳам бўлмайди. Доим ҳам ошкор этавермас-да, унинг ўз ихтиёри бор. Бугунги ўқувчи бундай ҳолатда талқиндан кўра, албатта, ҳодисани асл матн орқали кўриб, мулоҳаза қилишни афзал билади. Шу сабабдан ушбу ишимизда Хожа Убайдуллох Ахрор ҳаётини бирламчи манбалар кўмағида яқинроқдан билишга уриниб кўрамиз. Куйидаги воқеаларни ҳазратнинг ўзи суҳбатдошларига сўзлаб берган.

КИЙИМЛАР ВА ЙИШЛАР

Кўп одамларга хизмат қилдим. От ё бошқа бирор уловим йўқ эди. Бир йилда битта ятак (қабо) киярдим, пахта ипи тўзиб кетарди. Битта пўстин ва этик уч йилга етарди.

ТИЛАНЧИ ВА САЛЛА

Мирзо Шохруҳ замонида Хирида (Хирот) эдим. Сариқ чақам ҳам йўқ, саллам эскилигидан увода бўлиб кетганди. Бир жойини ямадим дегунимча, бошқа жойи увалиб турарди. Кунларнинг бирида Малик бозорига бордим. Бир гадей мендан нарса тилади. Берарга ҳеч вақом йўқ эди. Салламни ечиб, ошпазнинг олдига қўйдим-да: «Бу дастор топ-тоза, қозон ювганинда ишлатсанг бўлади. Шунини олиб, тиланчига бирор егулик бергин», дедим.

Ошпаз тиланчининг кўнглини суюнтирди ва одоб ила ҳурматлаб, саллани менга қайтарди. Олмадим, туриб кетдим.

ПОДШОҲ САРОЙИ ВА ДАРВЕШ ХОНАҚОҲИ

Қўлэзма манбаларда Хожа Убайдуллох Ахрор ҳаётига оид бундай ҳикоялар кўплаб учрайди. Улар орқали олти аср узоқда турган шахснинг яқингинасига бориб қоласан, киши. У ҳатто даврасига қўшиб олади. У кўпинча Саъдуddин Кошгарий, Яъқуб Чархий, Абдурахмон Жомий, Мухаммад Қози Самарқандий, Мухаммад Зоҳид Вахшуворий каби замонасининг улуғлари ва машҳурлари даврасида турган бўлади.

Бечора юз йиллик талқинлар, тарафлар... Хожа Убайдуллох Ахрор давраси одатда мусулмончилик шартлари, ибодат масалалари, мўминнинг жамият олдидаги бурчи, давлат солиқлари ва закот, ушр, хироғ тўловлари моҳиятини тингловчиға етказадиган сўзлар билан бошланарди. Бу даврада ҳар куни шу тариқа жамиятнинг Уйғоқ нафаси дунёга келарди. Одамлар подшоҳ саройига эмас, бир дарвеш хонақоҳига интилишининг сабаби шу эди. Аммо ҳозирча бу даврада давлат солиқларини тўлашдан қочиб, мулкни Хожа Убайдуллох Ахрорга тўхфа қилиш учун келган шахсларни учратмадик.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
катта илмий ходими

“Заминимизда туғилишлар сони камайиб бормоқда ва бу дунё жамиятлари учун «ақлбодар қилмас» таъсир ўтказди, дейди тадқиқотчилар. Аср якунига бориб жаҳондаги барча мамлакат аҳолиси қисқариб кетиши мумкин. 2100 йилга қадар Испания ва Япония каби 23 мамлакатдаги аҳоли сони икки баробар камайиши кутимолқда. Натижада эса жаҳон бўйлаб кексалар жамиятлари юзага келади.



Дунё аҳолиси ҚИСҚАРАДИМИ?

КЎРСАТКИЧЛАР ГАПИРСИН

Туғилиш даражаси кўрсаткичи бир аёл дунёга келтирадиган чақалоқлар сони билан ўлчанади. Агар бу кўрсаткич тахминан 2.1 фоиздан тушиб кетса, аҳоли сони камая бошлайди. 2.0 кўрсаткичи ота ва она икки фарзанд кўриши, бу эса, ўз навбатида, аҳоли сони ўзгармай сақланишини аңлатади. Бироқ ҳатто соғлиқни сақлаш тизими энг яхши бўлган давлатларда ҳам ҳамма чақалоқлар яшаб кетмайди. Бундан ташқари, чақалоқлар ичида ўғил болалар сони бироз кўпроқни ташкил этади. Шу сабабдан ҳам ривожланган давлатларда ёшлар ва кексалар ўртасидаги нисбатни ижобий сақлаб қолиш учун туғилишлар сони кўрсаткичи 2.1 бўлиши талаб этилади.

1950 йилда аёллар умри давомида ўртача 4.7 нафар бола кўрган. Вашингтон университети тадқиқотчиларининг ҳисоб-китобига кўра, жаҳондаги туғилиш даражаси кўрсаткичи 2017 йилда 2.4 ни ташкил этган. Бу рақам 2100 йилга қадар 1.7 га тушиб кетиши тахмин қилинмоқда. Оқибатда, тадқиқотчиларнинг тахминий ҳисоблашича, дунё аҳолиси 2064 йилга бориб 9.7 миллиардга чўққига чиқади ва аср сўнгида 8.8 миллиардга тушиб кетади.

Кўплаб аёллар борган сари таълим ва ишга кўпроқ эътибор қаратаётгани ҳамда контрацепция воситаларининг омалашиб бораётгани учун ҳам туғилиш даражаси камаяётгани айтилади.

Япония аҳолиси 2017 йилда 128 миллионни ташкил этган. Аср охирида японлар сони 53 миллиондан камроқни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Италия ҳам айни ўша рўйхатда – 61 миллион аҳолидан 28 миллион қолади. Испания, Португалия, Таиланд ва Жанубий Кореяда ҳам айни манзара кузатилади.

МОДДИЙ АҲВОЛ САБАБИМИ?

Кейинги пайтларда кўрилаётган чораларга қарамай, Россия аҳолиси сони камайиб бормоқда. Аввалроқ БМТ 2050 йилга келиб Россия аҳолиси сони 11 миллион кишидан кўпроққа камайиб, 133 миллион кишини ташкил этишини тахмин қилганди. Ҳозир рус ўлкасида 146 миллион киши яшайди. 2018 йил январь-октябрь ойларида туғилиш 1,352 миллион нафарни ташкил этган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 66 мингга камдир. Россия аҳолиси сони 2018 йилдан камая бошлаши ҳақида ўтган йили Гайдар институти экспертлари огоҳлантиришганди. Уларнинг июль ойидаги мониторингида аҳолининг миграцион ўсиши қисқаришда давом этаётгани ва бу табиий камайиш ўрнини қоплай олмаслиги айтилганди. «Асосий сабаб – Украинадан келувчиларнинг камайиши ва Марказий Осиё давлатларидан келувчиларнинг

одатий кўрсаткичи секин тикланиши», дейилган-ди ҳисоботда. Экспертларнинг қайд этишларича, 2018 йилнинг дастлабки, тўрт ойида Россия аҳолиси Украинадан келган мигрантлар ҳисобига 7,4 минг кишига кўпайган, 2018 йилда миграцион ўсиш 2017 йилга нисбатан 43 фоизга ёки 76,6 минг кишига камайган. Россияга Украинадан мигрантлар келиши 74 фоизга, Ўзбекистондан 70 фоизга ва Қирғизистондан 40 фоизга қисқарган. Қайд этилишича, МДҲ давлатлари Россия учун асосий мигрант донорлари ҳисобланади, аммо бу сурс тугамоқда. Табиий камайишнинг асосий сабаби туғилишлар сони қисқаришидир. Туғилишнинг камайиши мамлакатнинг 85 та регионидан 83 тасида қайд этилган. Туғилиш камайишига мамлакат аҳолисининг моддий аҳволи ёмонлашиши ҳам сабаб, деб ҳисоблайди иқтисодчи Владимир Тихомиров. Россияликларнинг реал даромадлари сўнги тўрт йил давомида пасайиб бормоқда.

НАТИЖАДА ЭСА...

Мамлакат умумий аҳолиси сонининг камайиши меҳнатга лаёқатли россияликлар сонининг камайиши, кексалар сонининг эса кўпайишини аңлатади. Ишчи кучининг камайиши мамлакат иқтисодий ўсишини секинлаштириди, дейди Тихомиров. Ҳозирда Россия меҳнат бозорида кадрлар етишмовчилиги кузатишмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг камайиши пенсионерларни қўллаб-қувватлаш учун ишлайдиган фуқароларга юкланини оширади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариши муаммосини фақат туғилишнинг кўпайиши ёки меҳнаткаш мигрантлар оқимигина ҳал этиши мумкин.

Туғилишлар сонини ошириш ва аҳоли сони камайишига йўл қўймаслик мақсадида Россия ҳукумати кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги чора-тадбирларни жорий этди. 2018 йил 1 январдан Россиядаги оилалар биринчи ва иккинчи фарзанд туғилгани учун ҳар ойда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳукумат аҳоли сонини кўпайтириш бўйича «Демография» деб номланган миллий лойиҳани ишлаб чиқди. Лойиҳа 2024 йилгача давом этади. 2019 йилда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 512 миллиард, 2020 йилда 522 миллиард, 2021 йилда эса 528 миллиард рубль сарфланиши режалаштирилган. «Коммерсантъ» нашри маълумотларига кўра, яқин беш йил ичида Россия фуқаролари сонини 5-10 миллион кишига кўпайтириш режалаштирилган. Донорлар сифатида аҳолиси орасида рус тили кенг тарқалган мамлакатлар: Украина, Қозғистон, Ўзбекистон ва Молдова қўрилмоқда. Нашрнинг қайд этишича, бу йўналишдаги қонунчилик иши аллақачон бошланган: миграция сиёсати бўйича янги концепциядан ташқари, фуқаролик масалалари билан боғлиқ қонунлар аллақачон қабул қилинган ёки қабул қилиниш жараёнида.

ТАБИАТ УЧУН ЖИДДИЙ МУАММО?

Дунёда энг кўп аҳоли яшайдиган Хитойда эса 2100 йилгача 1.4 миллиард инсондан 732 миллион қолади, холос. «South China Morning Post» нашрининг ёзишича, таҳлилчилар буни «Бир оила – бир фарзанд» сиёсатининг бекор қилинганига боғламоқда. Чунки шу сабаб мамлакатда репродуктив ёшдаги аёллар сони сезиларли даражада камайган. Натижада Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойнинг ўрнини эгаллайди. Қисқача айтганда, 195 мамлакатдан 183 тасида туғилиш даражаси жамиятни ёшлар билан етарлича таъминлайдиган кўрсаткичдан тушиб кетган.

Сўнги йилларда дунё аҳолисининг ортиб бориши, айниқса, табиат учун жиддий муаммага айлангани тақдорлаб келинади. Кўпчилик аҳоли сонининг камайиши жаҳондаги аксар муаммоларни юмшатади, деб ўйлаши мумкин. Лекин қариялар сони ёшларникидан ортиб кетмаганда, бу ҳақиқат бўлар эди. Вашингтон университети тадқиқотида шундай рақамлар келтирилади: беш ёшдан кичиклар сони 2017 йилдаги 681 миллиондан 2100 йилда 401 миллионга камаяди. 80 ёшдан ошганлар сони эса 2017 йилдаги 141 миллиондан 2100 йилда 866 миллионга етади. Бу жиддий ижтимоий ўзгаришга олиб келади. Кексалардан иборат жамиятда солиқлар тўлови, қарияларнинг саломатлиги учун маблағ, уларга ғамхўрлик қилиш масаласи, одамларнинг нафақага чиқмай ишлаши қаби муаммолар дунё аҳлини ўйлантириб келмоқда.

МИГРАЦИЯ ЕЧИМ БЎЛОЛМАЙДИ

Буюк Британия каби бой мамлакатлар миграция ҳисобига туғилиш даражаси камайиши оқибатларини юмшатиб келмоқда. Бироқ барча давлатлар сони камайиб кетганда, бу усул иш бермай қўяди. Айрим мамлакатлар эса ота-оналар учун мақбул таътиллار, болалар учун бепул тиббий хизмат, молиявий қўллаб-қувватлаш тизимларини ишга солган, аммо ҳеч қаерда муаммонинг аниқ ечими топилмаган. Одамлар муаммо қанчалик жиддий эканини аңламаяптилар. Улар шундай муаммо пайдо бўлса, аёллар кўпроқ бола туғиб қўя қолади, деб ўйлайдилар. Лекин туғилиш даражасини ошириш бу қадар осон ҳал бўладиган иш эмас.

Фақат битта қитъада аҳоли сони кескин ўсиши мумкин. Тропик Африка аҳолиси жорий аср давомида уч баробар кўпайиб, 2100 йилга қадар уч миллиарддан ошиб кетиши кутилмоқда. Тилга олинган тадқиқотда эса Нигерия 791 миллионлик рақам билан аҳолиси энг катта иккинчи мамлакатга айланиши тахмин қилинган. Бу аксар мамлакатларда Африкадан чиққан одамлар кўпайишини аңлатади. Натижада айрим давлатларда ирқчилик масаласи янада долзарблашади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

МУЛОҲАЗА

Дунё кўринмас ёв билан олишаётир. Шифокорлар, ҳарбийлар ва кўнгилчилар вирус билан курашаётган бўлса, журналист ва фактчекерлар фейк ахборотларни тўхтатиш ва саралаш билан банд. Тармоқда ҳар куни даволашнинг минг бир тури «кашф» қилинмоқда. Афсуски, бу вирус инсонлар саломатлигига акс таъсир этиб, ўлим ҳолатига олиб келмоқда. Жаҳон бўйича 4 000 мингдан ортиқ фейк маълумот ва коронавирусга қарши даволаш усуллари аниқланиб, уларнинг ҳеч қайсиси вирусга қарши самара бермаяпти.



КОРОНАВИРУС:

ФЕЙК

жабарлар ва инфодемия

Омма орасида кенг тарқалган фейк «даволаш усуллари»нинг бир нечасини сизга ҳам ҳавола қиламиз. Бундай ёлғон маълумотлардан ўзингизни, оилангизни асранг.

Замонавий масс-медиада тарқатилаётган ҳар бир янгиликни текширишга бўлган зарурат ҳар қачонгидан муҳим. Аксарият соҳа экспертларининг қайд этишларича, ҳозир биз – «ҳақиқатдан кейинги давр, яъни фейк янгиликлар асри» («post-truth or fake news era»)га кириб келдик. Ҳозирда ахборот сайтлари ва блогерлар олдидаги энг катта муаммо аудиторияни мунтазам «ушлаб» туришдан иборат. Шунинг учун сарлавҳаларга урғу бериш, ҳар хил ўйдирма хабарларни ёритиш, сенсацион янгиликларга ўч бўлиш ҳолати кучайган. Ахборотлар оқидамида сохта, ўйдирма хабарларни саралаш ва тўхта-тишнинг имкони йўқ. Негаки, фейк хабарлар ҳақиқат қобилигига «безанган» бўлиб, уларни умумий ахборот оқимидан ажратиш қийин.

САРИМСОҚПИЁЗ ВА СИРКА

Масалан, COVID-19 вирусидан саримсоқпиёз ёрдамида халос бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлар тармоқда яхшигина «айланди». Тўғри, саримсоқпиёз ҳар қандай ёт бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга, организмнинг курашувчанлигини оширишга ёрдам беради. Аммо коронавирусни тўғридан-тўғри даволаш, олдини олиш хусусиятига эгаллиги исботланмаган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулоти вирусдан ҳимоя қилмаслигини маълум қилди. Даво сифатида тавсия этилаётган айрим маҳсулотлар эса баъзи одамларда аллергия реакция чақириши мумкин.

Яқиндагина дўстларимдан бири пахтага сирка ёки спиртни тиббий никобнинг ичига сепаб юрсам, вирус юқмаслигини айтиб қолди. Айтишча, телеграмдаги гуруҳларнинг бирида, ўзини «шифокорман», деб таништирган киши шундай маслаҳат берибди. Одамлар бундай «ноёб» топилмаларни қаердан топишига ҳайрон қоласан, киши. Ахир сирка эҳтиёткорликни талаб қиладиган истеъмол маҳсулотлари сафига кирмади. Демак, уни ҳар нарсага аралаштириб бўлмайди. Тиббий никоб ичида эса у нафас олиш йўллари-га тўғридан-тўғри таъсир қилмасдан қўймайди. Шифокорлар сирка ва этил спирти нафас йўллари, айниқса, ўпкага зиён етказиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоиз, Эронда 7 нафар киши этил спиртини COVID-19 вирусидан даво деб, ичиб ҳалок бўлган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

КОРОНАВИРУС ИССИҚДА ЙЎҚОЛАДИ(МИ?)

Яна бир шубҳали хабар – кунлар исиб кетиши билан вируснинг чекиниши тўғрисида эди. Натижада кўпчилик тезроқ ёз келишини ва кунлар исини кута бошлаганди. Кун исигач ҳам касаллик камайгани бу хабарларга ишонган ва қаттиқ умид боғлаган аҳолида тушунлиқни юзага келтирди. Бу эса, ўз навбатида, оммавий депрессияга сабаб бўлиши мумкин эди. Бунинг олдини олиш учун фейк хабарларни фош қилувчи фактчекерлар оммани ишончли маълумотлар билан таъминлаб туриши лозим.

ЕРҚАЛАМПИР (ХРЕН)

Ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда бу маҳсулотнинг вирусга қарши восита эканлиги айтилди-ю, унинг «кетмони учди». Ҳовли уйлар, далаларда қалашиб ётадиган ерқалампирнинг нархи «осмон»га чиқди! Журналистлар кенг оммага бу хабар ёлғонлигини қанча тушунтирмасин, аммо ҳали-ҳамон уни даво деб билади-ганлар топилади. Тўғри, ерқалампир кўпгина касалликларга шифо бўлиши мумкин, аммо у кишига аллергия реакция бериши ҳам айна ҳақиқат. Бу эса нафас йўллари саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

ВЕРТОЛЁТДАН ДОРИ СЕПИЛАДИ

«Эҳтиёт бўлинг, бугун кечаси ташқарига чиқманг, вертолётдан дори сепилади», деган мазмундаги хабар ижтимоий тармоқлар орқали кенг оммага тарқалди. Айниқса, қўшни давлатларда вертолётда дори сепилиб, дезинфекция қилинаётган акс этган фейк видео ижтимоий тармоқлардаги миллий сегментда кун муқоамасига айланди. Аксарият гуруҳларда бу катта шов-шувга сабаб бўлди. Натижада масъул идора ходимлари расмий чиқиш қилиб, бундай турдаги маълумотларни тарқатмаслик ва унга ишонмасликка чақирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш фейк хабарларни оғуға қиёслади. Журналистларни оммавий ахборот воситаларини факт ва далилларга асосланган ахборот билан тўлдиришга чақирди. «Инфодемия шиддатли тус олмақда. Сохта тиббиёт ва нотўғри даволаш бўйича маслаҳатлар кўпайиб бормоқда. Фейк хабарлар вирусдан ҳам тезроқ тарқалиб, одамларни зарарламоқда. Бутун дунё бу «ёлғон вирус»га қарши курашда бирлашиши керак», дейди жумладан у.

«КОРОНАВИРУС ЙЎҚ НАРСА»(МИ?)

Бутун дунё тиббиёти тан олиб турган бир паллада, айрим тармоқ «учар»лари коронавирус йўқ нарса, деган фикрни илгари суришмоқда. Афсуски, тан олишимиз керак, бу вирус мавжуд. Шифокор ва ҳарбийларимиз жонини хатарга қўйиб, сиз учун курашмоқда. Яқин-яқингача бу маълумотга ишонмаганлар кўча-кўйда бемалол юришди. Бу эса аҳоли орасида вируснинг тез тарқалишига шароит яратди.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида интернетда тарқалувчи ёлғон хабарларга қарши курашувчи алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Лекин ахборот, ахборотлаштириш ва реклама соҳаларини, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари бор. Бундан ташқари, интернет тармоғида кишиларни ўзига жалб этиш, бойлик орттириш мақсадида оғир касалликларни даволочи дориларни ихтиро қилганлиги ёки шундай касални даволашини айтиб, ёлғон ахборот беришни Жиноят кодексининг 168-моддаси билан квалификация қилиш имкони мавжуд. «Реклама тўғрисида»ги қонунда нотўғри ва яширин реклама тушунчаларининг мавжудлиги ёлғон рекламага қарши курашиш бўйича норматив асос қайд этилган.

ЖАВОБГАРСИЗ, УНУТМАНГ!

Коронавирус ҳақидаги фейк хабарлар вақти келиб фош этиб борилаётган бўлса-да, одамларни зарарлаб, ишонтириб ўлғурмоқда. Бугун дунё ҳамжамияти пандемия ва инфодемия қаршисида ожиз бўлиб қолмоқда. Шуни унутмангки, ҳар қандай вазиятда оилангиз ва яқинларингиз саломатлигига жавобгарсиз.

Оммани сохта тиббиёт билан қалғитмасдан, шифокорларга ёрдам бериш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Шунчаки телефонингизга мутахассислар томонидан тасдиқланмаган маълумот келса, уни тарқатманг!

Айжамал ЖАНИБЕКОВА

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

“ Ҳар қандай мамлакатни дунёга танитадиган, машҳур қиладиган ишлардан бири спортдир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, уларни оммавий равишда жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.



(иккинчи мақола)

Бунинг натижасида ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқиши кундан кунга ортиб, улар соғлом, иродаси мустаҳкам, Ватанимизнинг содиқ фарзандлари бўлиб вояга етаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Бугун юртимизда ёшларни спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳар доимгидан-да кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 март куни «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шугуллантириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларидаги спорт объектларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилган эди.

Хусусан, ушбу топшириқларнинг давоми сифатида жорий йилнинг

19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам ёшларни жисмонан чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Мазкур ташаббусга доир масалалар муҳокама қилинар экан, диёримизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни, жумладан, Сурхондарё вилоятида 12, Хоразмда 14, Қорақалпоғистонда 15 фоизни ташкил этади, холос.

Бундан ҳам ёмони, мавжуд спорт анжомларини омборхоналарда сақлаб, улардан ёшларнинг фойдаланиши имкониятларини чеклаш ҳолатлари маълум бўлди. Бундай кўринишдаги «эҳтиёткорлик» болаларнинг соғлом вояга етиши, спорт орқали дунёга чиқиш имкониятларини чеклашга сабаб бўлиши мумкин.

Бу каби муаммоларнинг мавжудли-

ги 2017-2018 йилларда юртимиз аҳолиси ўртасида олиб борилган сўровлар натижасида аниқланди. Шунга кўра, деярли барча ҳудудлар, айниқса чекка туманларда болалар куннинг кечки пайтларида вақтларини мазмунли ўтказишлари хизмат қиладиган мини-футбол майдончалари ва бошқа спорт турлари билан шугулланишлари учун шароитлар етарли даражада эмаслиги маълум бўлди.

Ёшларимиз илмга, шу жумладан, спортнинг барча турларида қизиқаётир. Буни улар эришаётган ютуқлардан ҳам англаш мумкин. Демак, мазкур соҳа ҳам ҳали кўплаб муаммоларнинг амалий ечимини кутмоқда.

Ота-оналарнинг ҳам нияти – шу. Улар спорт тўғрисида эҳтиёткорлик билан, «Баркамол авлод» марказлари томонидан кўплаб спорт тўғрисидаги ташкил этилган. Аммо улар етарли самара бермаяпти. Селектор йиғилишида мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратилди ҳамда олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар

қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари ташкил этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди. Ҳам арзон, ҳам қулай. Шунингдек, натижадор. Бундан ташқари, бу эртага тадбиркорнинг мулкига айланади, демакки, бир неча киши иш билан таъминланади.

Жойлардаги спорт мактабларига халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган таниқли спортчиларни раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув юртларининг махсус сиртки бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди. Умуман, «Устоз-шогирд» аъёниси янгиллик эмас. Лекин бу аъёна ҳозирда унутилиш даражасига келиб қолгани ҳам сир эмас. Бинобарин, ҳар бир уста, устоз ҳунари унут бўлиб кетмаслиги учун ҳам ўзидан муносиб шогирд қолдиришга масъул ва жавобгардир.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва
мафкуравий ишлар
бош бошқармаси**

ОНЛАЙН ТАНЛОВ

Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» ҳамда «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танловининг республика босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳар икки танловда Мудофаа вазирлиги тизимидаги барча ҳарбий округлар, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигидан сараланган ёшлар етакчилари беллашди.

Дасталабки танловда ҳарбий хизматчилар саволларга тўғри жавоб бериб, бошланғич ташкилот етакчисининг амалга оширган ишлари, келгусидаги режалари, инновацион тақдирлари бўйича беш дақиқалик тақдирот орқали маъруза қилди. Иккинчи танловда ҳарбий қисм ва муассасада Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиси хонасининг жиҳозланиш ҳолати юзасидан тайёрланган видео ролик намойиш этилди.

Ҳар бир шарт бўйича ҳарбий

хизматчилар билим ва маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм бошланғич ташкилот етакчиси лейтенант Б. Қаршиев «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» танлови бўйича 1-ўринни эгаллади. Катта лейтенант Б. Бекмуродов (ШҲҲО) иккинчи, майор Д. Холдоров (ЖҲМҲО) эса учинчи ўринни қўлга киритди.

«Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танловида Шарқий ҳарбий округга қарашли



ҳарбий қисм бошланғич ташкилот етакчиси хонаси 1-ўринга сазовор бўлди. Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисми ҳамда Марказий

ҳарбий округга қарашли Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб қўрилди.

Майор Абдуҳаёт УМАРОВ, Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ёшлар билан ишлаш бўлими катта офицери

Илғор етакчилар АНИҚҚЛАНДИ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

“Қўшинларнинг юқори жанговар шайлиги, ҳар қандай вазиятда қўйилган вазифаларни бажара олиши биринчи галда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигига боғлиқ. Бундай шайликнинг юқори даражасини эса малакали мутахассислар таъминлаб беради.

Бунинг учун ҳарбий хизматчидан касбий салоҳият, юксак масъулият, намунали хулқ-атвор, мақсад сари интилиш, билимларини мунтазам равишда ошириб бориш талаб этилади. Ушбу фазилатларни ҳарбий хизматчиларда шакллантириш таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади.

Жанговар тайёргарликнинг ўзагини ҳарбий хизматчининг маънавий-ахлоқий фазилатлари белгилаб беради. Ҳарбий хизматнинг ижтимоий заруратини ҳис этган, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини англаган, миллий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган ва улар билан фахрланади-

ган, миллат орини ўзининг ори деб билган инсонгина ҳарбий билимларни пухта ўзлаштира олиши мумкин.

Қуrolли Кучлар академиясида курсантлар билан олиб борилаётган тарбиявий ва мафкуравий ишлар давомида уларда ҳалқимизнинг бой маънавий, маданий мероси, буюк саркардаларимизнинг ҳарбий маҳорати, дунё тан олган алломаларимизнинг ҳарбий соҳадаги қарашларини пухта ўрганиш ва улар билан фахрланиш сифатлари шакллантирилмоқда. Машғулотлар мавзусидан келиб чиқиб, амалиёт билан ўзвий боғланган ҳолда, давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура идоралари,

давлат музейлари, театр ва маданий муассасалар, кўргазмалар, ҳарбий қисмлар базасида соҳаси бўйича етук мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этилмоқда.

Буюк аجدодларимиз ҳаёти ва иш таърибасини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида «Амир Темуr ворислари», «Навоий ворислари», «Бобур ворислари» номли ижодий тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳазалхонлик кечалари, таниқли адабиётшунослар билан ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Машғулотлар давомида курсантларнинг истеъдод қирраларини ёрқин намоён этишлари учун соғлом рақобат муҳитини яратиш орқали мустақил фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмалари шакллантирилмоқда.

Т. БУРХОНОВ,
Қуrolли Кучлар академияси
катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ФРАНЦИЯДА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

“Францияда ҳарбий кадрлар тайёрлаш дастури асосан мамлакат қўшинларида амалиёт ўташга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Курсантларнинг касбий тайёргарлиги учта асосий йўналиш бўйича олиб борилади.

Ҳарбий-касбий тайёргарлик – танланган ҳарбий мутахассислик хусусиятларини аниқ тушуниш асосида келажақдаги офицерларнинг мустақам касбий маҳоратини шакллантиришга ҳисса қўшади, шунингдек, ҳарбий этика қоидаларига риоя қилиш бўйича барча талаблар бажарилиши ва зарур ахлоқий фазилатларни намоён этишга йўналтирилган.

Ҳарбий-спорт машғулоти – курсантларга ҳарбий хизматнинг қийинчиликлари дош беришга шунингдек, взводни бошқаришда юқори амалий кўникмалар талаб этилганда, қисқа вақт ичида кўмондонлик вазифаларини бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашга имкон беради. Узоқ вақт давомида ўтказиладиган ушбу турдаги машғулотлар курсантларга тактика ва стратегия соҳасидаги асосий билимларни, шунингдек, ҳар хил турдаги қуrolларни ишлатиш бўйича зарур кўникмаларни олиш имкониятини яратади. Шунингдек, ҳарбий-амалий спорт турларига катта

ларини ўргатади, уларга доимий равишда ўзгариб турадиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини англашга имкон беради ва шу асосда ўзларининг маданий билимлари базасини шакллантиради. Ўқиш жараёнида улар математика, физика, география, тарих, чет тиллар ва бошқа фанлар бўйича билимларини чуқурлаштирадilar.

Сен-Сир ҳарбий академияси француз офицерлари корпуси ва жандармерияси (ҳарбий полицияси) учун кадрлар тайёрлаш билан шугулланувчи олий ҳарбий таълим муассасасидир.

1802 йил 1 майда Наполеон Бонапарт фармонида асосан ташкил этилган мазкур ҳарбий академия айни кезде «Ғолиб бўлишни ўрган!» шиори остида фаолият юритади. Сен-Сир (луғавий маъноси: авлиенинг шогирдлари) битирувчилари орасида Франциянинг 11 маршали, Фанлар академиясининг 6 нафар аъзоси, 3 нафар давлат раҳбари етишиб чиққани диққатга сазовордир.

Француз ёшлари орасидан сараланган, мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлари учун зарур, кенг дунёқарашга эга профессионал офицерларни тайёрлаш мақсади кўзланган ушбу академияга ҳар йили 200 нафаргача абитуриент (жумладан, 20 нафар қиз) қабул қилинади. Шунингдек, унда Франция билан ҳарбий ҳамкорлик ўрнатган хорижий давлат вакиллари ўқиши учун ҳам ўрин ажратилган.

Қуrolли Кучлар махсус мактаби, Техникавий ва маъмурий хизмат ҳарбий мактаби каби муассасаларнинг ягона ҳарбий ўқув юртига бирлаштирилиши натижасида ташкил этилган ушбу таълим масканининг



умумий бошқарувини ҳозирда дивизия генерали унвонига эга бўлган ҳарбий кўмондон амалга оширади.

Сен-Сирнинг тўлиқ ўқув курси уч йилга мўлжалланган бўлиб, уни тугатгандан сўнг битирувчиларга олий ҳарбий маълумотни тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом ва лейтенант ҳарбий унвони берилади. Магистр даражасини олиш учун эса Қуrolли Кучларнинг алоҳида тоифали қўшинларидаги амалий мактаблардан бирига юборилади. У ерда махсус лавозимга тайинланишдан олдин танлаган мутахассислиги бўйича яна икки йил давомида ўқитилади. Магистратурага қабул танлов асосида, яъни абитуриентнинг шахсий ҳужжатларини ўрганиш, иқтисодиёт, табиий ва гуманитар фанлардан имтиҳон топшириш орқали амалга оширилади. Мактабга кириш учун ёш чегараси 25 этиб белгиланган.

Академиянинг тўлиқ олти семестри барча учун мажбурий бўлиб, машғулотлар жанговар тайёргарлик, руҳий тайёргарлик (стресс ва вужудга келиш эҳтимоли бор хавф-хатарларга қарши туриш, ақлий-руҳий чинқиш, тактик усуллари ўрганиш), жамоавий кўникмаларни шакллантириш (педагогика, жамоани бошқариш маҳорати), умумий офицерлик тайёргарлигини ўзлаштириш (ҳарбий интизом ва

ижтимоий-сиёсий билимларнинг асосларини ўрганиш) сабоқларини қамраб олади.

Мамлакат Қуrolли Кучлари концепциясига мувофиқ, академия курсантларда қуйидаги сифатларни шакллантириши керак: юксак маданият, юқори даражадаги фуқаролик масъулияти, ҳар қандай шароит ва муҳитга чидамлилиқ, кўмондонлик тайинланишдан олдин танлаган мутахассислиги бўйича яна икки йил давомида ўқитилади. Магистратурага қабул танлов асосида, яъни абитуриентнинг шахсий ҳужжатларини ўрганиш, иқтисодиёт, табиий ва гуманитар фанлардан имтиҳон топшириш орқали амалга оширилади. Мактабга кириш учун ёш чегараси 25 этиб белгиланган.

Бироқ мазкур билим юрти битирувчиларини ҳарбий академияларга ўқишга кириштириш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Шундай бўлса-да, аксарият курсантлар олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирадилар, имтиҳондан муваффақиятли ўта олмаганлар эса фуқаролик олий ўқув юртларига ҳужжат топшириши мумкин. Бу масканда чет элликлар ўқиши учун ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Д. РЎЗИКУЛОВ
тайёрлади.



ЖАРАЁН

Қўмондон

блок-постлардаги вазиятни ўрганди



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов Урганч гарнизонига амалга оширган хизмат сафари давомида COVID-19 пандемияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда жорий этилган карантин қоидаларини назорат қилиш учун Хоразм вилояти ҳудуди бўйлаб ўрнатилган блок-постларда жанговар-хизмат вазифаларини бажараётган Қуролли Кучлар куч тузилмалари вакиллари билан учрашди. Учрашув давомида жанговар навбатчиликда туну кун сергак туриб, зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифани садоқат билан бажараётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар-хизмат вазифаларини ўташи, яшаши ва дам олиши учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Уларнинг психологик ҳолати, оилавий аҳволи ва таъминоти билан қизиқди. Маиший хизмат шароитларини янада яхшилаш ва қулайликлар яратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ОГОҲЛИК

Қўплад йўналишларда бўлгани каби ёнғинга қарши муҳофаза тизимида ҳам янгича ёндашувлар, соҳага оид илм-фан ютуқлари мавжуд. Бироқ уларнинг ҳеч бири ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлашнинг имконини бермайди. Боиси? Одам фактори.

Йилига 200 000 ўлим камми ёки кўп?

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими ва ёнғинга қарши курашишни такомиллаштириш, ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, соҳага янги инновацион технологияларни жорий этиш амалиётини янада кучайтириш, илғор хорижий тажриба ва ишланмалар асосида ёнғин хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Аммо...

Минг афсуски, фуқароларнинг бепарволиги ва эҳтиётсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги қўнғилсиз ҳодисаларнинг асосий сабаби. Қуйидаги рақамга бир эътибор беринг-а: ҳар йили дунёда ёнғинлар 200 мингдан ортиқ инсон ҳаётига зомин бўлмоқда, катта миқдорда

моддий зарар етказмоқда. Республикаимизда, шу жумладан, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар қисман бўлса-да, бундай бахтсиз ҳодисаларга қарши курашда ўз самарасини бермоқда.

Қўп бора такрорланса-да, яна бир бор таъкидлайлик: ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан хабардор бўлиш ва уларга амал қилиш орқали биз нафақат ўзимизнинг, балки яқинларимиз, сафдош дўстларимизнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаймиз!

Подполковник
Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,
Жиззах гарнизони ёнғин
назорати инспекцияси
бошлиғи

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Наманган тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида муайян ишлар бажарилмоқда.



– Карантин шароитида ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Ҳамиджон Собиров. – Шу боис ҳам ЎСТКда ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш борасида карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда онлайн мулоқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шу кунларда «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланаётган ташкилотимизда назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн), амалий машғулотлар эса санитария талабларига қатъий риоя этилган, шу жумладан, тиббий ниқоб ва кўлқопдан фойдаланилган, энг муҳими, ўқув автомобиллари дезинфекция қилинган ҳолда ташкил этилмоқда.

«АИС-Ватанпарвар» инновацион электрон дастуридан фойда-

ланган ҳолда ташкил этилаётган масофавий таълимни ўзлаштириш тингловчиларда қийинчилик туғдирмаяпти. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда очилган саҳифалар, гуруҳлар ва бошқа тизимлар орқали онлайн тарзда мулоқотга киришиб, тегишли мавзуларда бўлажак ҳайдовчиларга назарий машғулотлар олиб борилаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айни пайтда масофавий таълимни янада ривожлантириш борасидаги иланишлар

давом эттирилмоқда. Соҳага доир мавзуларда тайёрланган видео маърузалар, аудио, медиақўлланмаларни сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРДОВ



Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.

ТААССУРОТ

“ 14 ёшимгача эртақ ўқиб юрардим. Роман ўқиш қайда? Футбол, чиллак, дуккак дегандек, яхшиям ўша даврларда бу ўйинларни ўйнаб олган эканман. Энди қайда? Роман ўқиш қочмас экан, 10, 20, 30, ҳатто 70 ёшдаям ўқийверар экансиз. Бу ўйинларни эса ўйнашнинг ўз мавриди бор экан. Мавридини ўтказиб юборгандан кейин ўйнай олмай қоларкансиз.



«ЎТКАН КУНЛАР»НИ ЎҚИЁТИРМАН...

Мендан 3 ёш катта акам китобдан кўзини узмасди. Мен тошми, чиллакми ўйнаб чарчаб, акам ётадиган хонага кирсам, ётол устида «Ўткан кунлар» деган китоб ётибди. Акам уйда йўқ. Менга на китобнинг номи ва на муаллиф номи таниш. Мактабда ўқитувчимиз ўзбек адабиёти романчилигининг отахони Абдулла Қодирий дея тилидан қўймайдиган кезлар. Китобнинг ўртароғини очдим. Кўзимга «ўша сизми...» сўзлари тушди. Ўқишни давом эттирдим... Китобни эртасига ўқиб тугатдим. Сўнг яна бошидан қайта ўқиб бошладим.

Муаллифнинг суратига тикиламан. Нега Жулкунбой? Қозоқ ёзувчисиимикан, дея таржим билан қизиққим. Таржимон йўқ. Бу қозоқ ёзувчиси ўзбекчада кучли ёзаркан, деб ўйладим.

35 ёшга киргунимча бу китобни камидан 30 маротаба ўқиб чиқдим. Уни ҳануз қўлимдан қўймайман.

Ушбу ўлмас асарни битишни 20 ёши арафасида режалаштирган ва 24 ёшида ёзиб якунлаган Абдулла Қодирийнинг тафаккур кучини мен дунёга донғи кетган буюк физик Альберт Эйнштейннинг тафаккурига тенг, деб ўйлайман. Альберт Эйнштейн ёзувчи бўлганида бундай романни балки ёза олмаган бўларди, лекин ўйлашмича, мабодо Абдулла Қодирий шарт-шароити бор бўлиб, физика билан астойдил шуғулланганида, катта эҳтимол билан Эйнштейнга тегишли ўша нисбийлик назариясини кашф қилган бўлар эди...

Мен 1985 йили тобим қочиб касалхонада ётганимда «Ўткан кунлар»ни ўзимга ҳамроҳ қилдим. Даволовчи шифокор аёл китобни қўлимда кўриб, «Сиз бу китобни энди ўқияпсизми?» деди. Мен, «Ҳа, энди ўқийтирман... ўттизинчи маротаба... энди ўқийтирман», дея жавоб қилдим табассум билан.

Энди жоиз бўлса, «Ўткан кунлар» асарини экранлаштириш масаласига бироз тўхталсак: юртимиз кино ижодкорлари томонидан китоб асосида икки марта тўлиқ метражли бадиий фильм сурата олинди. Биринчи фильм собиқ Иттифоқ даврида, иккинчиси мустақиллик йилларида ишланди.

Биринчи фильмни телевидение орқали қайта-қайта намойиш қилишади. Бадгаям ўрмайди, актёрлар ижроси ҳам кўнгилдагидек, лекин барибир нималардир етишмайди... Собиқ Иттифоқ мафкурасининг таъсири шундоқкина билиниб туради... «Ўткан кунлар» китобини ўқимаган томошабин кўп ўринларда воқеликни тушунишга қийналиши мумкин... Фильмнинг бу каби жузъий кам-кўстларини истеъдодли актёрларнинг жозибали ижролари «ёпиб» кетган, албатта.

Биламан, кино суратга олиш ҳазилакам иш эмас, у катта меҳнат, катта маблағ эвазига яратилади, кўп жараёнларни ўз ичига олади. Шу боисдан, «Ўткан кунлар»ни учинчи бор экранлаштиришга кино ижодкорларимиз бел боғлашмаса-я, деб қўрқаман. Лекин бу фильмни қайта ишламасак бўлмайди...

Ҳозирги пайтда видеофильм эмас, айнан кинофильм ишлаш керак. Фильм муваффақиятли чиқиши учун айнан биринчи фильм услубини сақлаб қолиш керак. Уста Олимга тегишли қисмни кенг ёритиш керак, унга бир серияни бағишласа ҳам бўлади. Ўтаббой қушбеги ҳамда Худоёрхон иштирокида бўладиган эпизодларни, қипчоқларнинг қирғин этилиш сахнасини алоҳида-алоҳида, худди китобда баён қилинганидек акс эттириш ўринли бўлар, балки.

Ўша босқинчи тузум «Бу юртнинг халқи саводсиз, биз уларнинг саводини чиқараётимиз», деган ёлғонни оламга жар солиб турган бир пайтда гўёки саводсиз халқнинг икки фарзанди – Отабек ҳамда Кумушбиби ёзган мактубларнинг маъно-мазмуниде Навоий, Ғофурий, Жомий, Низомий, Фирдавсий, Пушкин, Толстой, Шекспир, Данте улуғлаган туйғулар жўш уриб турса, бу ўша манфур тузумнинг асл башарасини фош этмайдими?! Аниқки, асарда ўша даврнинг чириган мафкураси «томорқасига отилган тошлар» кўп эди. Қолаверса, «саводсиз, қоқоқ халқ»нинг фарзанди онг-шуурларни мудроқликдан уйғотувчи шундай китобни ёзгани ҳам фавқулодда, шу билан бирга, асло кўз юмиб бўлмас бир ҳолат эди, албатта...

Ўтаббой қушбеги, Юсуфбек ҳожи ва ҳатто Худоёрхонни ҳам бир қадар адолатли қилиб кўрсатиш орқали Қодирий адолат тантанаси учун қилинган инқилоб ютуқларини чиппакка

чиқариб қўяди. Ҳақсиз, ҳуқуқсиз деб ҳисобланган бир сачвон паранжили ожизанинг Ўтаббой қушбегининг олдига кириб бориши хонлар даврида ҳам адолатга йўл бўлганини исботлапти-ку! Қули Ҳасанали ҳамда унинг хотини Ойбодокқа нисбатан Юсуфбек ҳожи оила аъзоларининг инсоний муносабатда бўлганини баён қилиш ўша давр салтанати олиб бораётган сиёсат таг-томирига урилган болта эмасми? Бундай ҳолатни баён қилиб берган Абдулла Қодирийни жазосиз қолдириб бўлармиди?..

Кетма-кетига икки маротаба икки намозхон, мўмин-мусулмон, куруқ тухматга учраган кишилар – Отабек ҳамда Мирзакарим қутидорнинг дор остида озод бўлиши қизил мафкура томонидан ўша пайтда авжида бўлган диндорларга, мусулмончиликка қарши кураш йўлидаги кучли ғовдир, дея қабул қилинганига шахсан менинг шубҳам йўқ. Албатта, ўшалар наздида Абдулла Қодирийнинг бу «беодоблиги»ни ҳам кечириб бўлмас эди...

Отабекнинг ёлғиз ўғли Ёдгорни ўша давр сиёсати оқибати ўларок, очарчилик йилларида очликдан ўлиб кетиши ҳам партия сиёсатига қарши адибнинг «салб юриши», дея талқин қилингани чиқар, балки...

Ёдгорнинг икки фарзанди, Отабекнинг

набиралари, Юсуфбек ҳожидек одамнинг эваралари босмачилар сафига қўшилиб кетиши-чи? Мулоҳаза қилинса, биргина шу эпизод орқали халқнинг тушунчасида, демек, босмачилар сафида давр тузуми ўқтирмакчи бўлганидек, фақат каллакесарлар эмас, балки шундай покиза инсонлар авлодлари ҳам бўлган экан, демакки, улар бекорга эмас, балки ўзи билган ҳақиқати учун курашган экан-да, деган тушунчанинг уйғониши ўша давр сиёсати учун нафақат кераксиз, балки хавфли, хатарли эди...

Муаллиф Отабекка бирон-бир бўзхонада ичкиликка берилган, хору хароб ҳолдаги ёки Содиқ каби каллакесар томонидан чавоқла-нишдек, аянчли ўлимни раво қўрмайди. Аксинча, Отабекнинг мардларча курашиб, ҳалок бўлганини тарихий шахс Қаноатшо мактуби орқали бизга маълум қилади: «1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак (1860 йил кузига мос келади), Юсуфбек ҳожи ўз таниши Қаноатшодан бир хат олди (Қаноатшо ўратепалик бўлиб, бир неча хонликлар лашкарида хизмат қилган. Туркистон вилоятининг ҳокими бўлган. Қўкон – Россия урушида фаол иштирок этган. Бухорода элчи бўлган даврида амир Музаффар томонидан қатл қилинган). Қаноатшо Авлиёотоддан ёзар эди: «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунуш-мамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қахрамонона урушиб шахид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...»

Муаллиф Қаноатшони эслаш орқали яна бир бора Отабекни тарихий, реал шахс даражасига кўтаради, асардаги барча воқеликларни ҳам тарихий ҳақиқат даражасига кўтаради, энг муҳими, биз, ўқувчиларни ҳам бунга ишонтира олади.

Хуллас, хурсанд бўлганимиз буюк адибнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби асарлари қуёшдек яна қалбларни нурафшон эта бошлади. Бу асарларни ўқир эканман, ўша ёш йигитлик давримдаёқ «оқланди» сўзини киноя аралаш ичимда такрорлаб қўяр эдим... Аслида оқланишга кимлар муҳтож эди?.. Адибни қатағон қилганлар, дор остига келтирганлар, бўйнига сиртмоқни солганлар эмасми?! Мен ҳамон «Абдулла Қодирий оқланган» деган гапни ҳазм қилолмайман. Чунки унинг ҳеч бир жиҳати оқланишга муҳтож бўлмаган эди...

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

Хамкорликда яратилган
ГАУБИЦА

Калибри 155 мм бўлган VCA-155 русумли ўзиюлар гаубица Италия ва Аргентина мутахассислари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Ушбу жанговар техника воситаси Аргентинанинг TAM русумли танки асосида, унинг шассисига Италиянинг «ОТО Мелара» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, ствол узунлиги 41 клб, калибри 155 мм.ли тўпга эга бўлган башня ўрнатиш йўли билан яратилган. Гаубицанинг зирхланган корпуси экипаж аъзолари, агрегат ва қисмларни ўқотар қуроллар ўқидан, снаряд ва мина парчаларидан химоя қилишини таъминлайди.

Конструктив жиҳатдан VCA-155 Италиянинг O/40 русумли танкига ўхшаб ишланган, шу билан биргаликда, зирхнинг олд варағи катта қиялик бурчаги остида ўрнатилган, томи горизонталь, борт ва орқа қисми вертикаль кўринишга эга. Механик-ҳайдовчининг ўрни машина корпуси олд қисмининг ўнг томонида жойлашган, чап томонда эса ёрдамчи кучланиш қурилмаси ўрнатилган. 155 мм.ли тўп ярим автоматик ўқлаш тизими билан жиҳозланган бўлиб, снарядлар ўқ солинадиган қисмга автоматик тарзда етказиб берилади, жанговар зарядлар эса қўлда жойлаштирилади. Ўқлашнинг бундай тизими жанговар отиш тезлигини дақиқасига 6 та ўқ узишгача етказилишини таъминлайди. Мазкур гаубицадан фойдаланишда НАТО стандартига мос бўлган 155 мм.ли снаряднинг барча турларини қўллаш мумкин. Отиш узоқлиги оддий снаряд билан 24 км, фаол-реактив снаряд билан 30 км.ни ташкил этади. Ўзиюлар гаубицанинг шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 70 км, жанговар ҳисоб 5 кишидан иборат.



«Кобра» VRC русумли енгил зирхланган автомобиль (ғилдираклар формуласи 4 х 4) Колумбия Куролли Кучлари мутахассислари томонидан яратилган. Бу машинадан тактик разведка, патруллик ва қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш учун фойдаланиш кўзда тутилган. Мазкур транспорт воситаси, шунингдек, тиббий-эвакуация машинаси вариантида ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг орқа қисмида ярадор ва беморларни ташиш учун махсус жойлар жиҳозланади. Мазкур машинанинг 6 та тажриба нусхаси яратилган бўлиб, улар мамлакат ҳудудидаги турли ҳудуд шароитларида ҳар томонлама полигон синовларидан ўтказилмоқда. «Кобра» автомобилига асосий қурол сифатида 12,7 мм.ли «Браунинг» ёки 7,62 мм.ли M60 русумли пулемёт ўрнатилиши режалаштирилган. Қурол машинанинг ўнг томонидаги олд ойна ўрнига жойлаштирилади. Шунингдек, «Стайк»

Енгил зирхланган
жанговар машина

типидаги танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни ишга тушириш қурилмаси ва 40 мм.ли автоматик гранатомёт ўрнатиш учун техник имкониятлар ҳам мавжуд. Бунинг учун корпуснинг ўрта қисмига айланма туреллар ўрнатилиши кўзда тутилган.

«Кобра» VRCнинг жанговар огирлиги 1,5 тонна, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 100 километр, фойдали юкланма огирлиги 650 килограмм. Полигон синовлари муваффақиятли якунланган тақдирда, бу машинани серияли равишда ишлаб чиқаришни бошлаш режалаштирилган.

Современный
эскадренный миноносец

Эскадренный миноносец «Фуудзукэ» Военно-морской сил Японии (бортовой номер 118, типа «Акидзукэ») был заложен на верфи «Тамано дзигэ» компании «Мицуи дзосэн» в г. Тамано 14 июня 2011 года, спушен на воду 22 августа 2012-го и вошел в состав флота страны 13 марта

2014 года. Его стандартное водоизмещение 5050 тонн, длина 151 м, ширина 18,3 м, осадка 5,4 м. Двухвальная главная энергетическая установка, выполненная по схеме COGAG, включает в свой состав четыре газовые турбины общей мощностью 47,7 MBT. Наибольшая скорость хода 30 узлов. Экипаж 200 человек. Вооружение: две четырехконтейнерные пусковые установки (ПУ) противокорабельных ракет «Тип 90», 32-ячеечная УВР Mk мод. 29 для зенитных управляемых ракет RIM-162 «Усовершенствованная Си Спарроу» и противолодочных управляемых ракет ASROC; 127-мм автоматическая установка Mk 45 мод. 4, 20-мм зенитный артиллерийский комплекс «Фаланкс» Block 1B, два трехтрубных 324-мм торпедных аппарата HOS-303. Радиоэлектронное вооружение: АСБУ типа OYQ-11, Link 16; радиолокационные станции: обнаружения воздушных целей FCS-3A, управления огнем FCS-3, навигационная OPS-20C, подкильная OQQ-22 и буксируемая OQR-3 TACTAS; гидроакустические станции; комплексы постановки помех Mk 36 SRBOC и NOLQ-3D EW. В кормовой части корабля оборудованы площадка и ангар для базирования двух вертолетов SH-60K либо одного MCH-101. Данный эсминец является заключительным в серии из четырех кораблей.

В любое время
суток

Легкий многоцелевой вертолет OH-52D «Кайова Уорриор» Вооруженных Сил Хорватии, разработанный американской компанией «Белл геликоптер текстрон», предназначен для разведки наземных целей и непосредственной огневой поддержки сухопутных войск. Вертолет способен вести разведку в любое время суток и в плохих метеоусловиях. В состав оборудования входят телевизионные и инфракрасные приборы, лазерный дальномер-целеуказатель, доплеровская РЛС и прибор ночного видения, установленный на шлеме пилота. Для обнаружения цели и определения расстояния до нее на вертолете установлена оптоэлектронная система MMS (Mast Mounted Sight), расположенная над втулкой несущего винта. Основные тактико-технические характеристики OH-52D: длина 10,5 м, высота 2,3 м, диаметр несущего винта 10,7 м, хвостового – 1,65 м; масса пустого 1492 кг, максимальная взлетная масса 2492 кг, внутреннего топлива 454 л. Тип двигателя – ГТД Allison 250-C30X мощностью 660 л.с. Максимальная скорость полета 241 км/ч, крейсерская – 237 км/ч. Дальность действия 463 км. Практический потолок 6250 м. Экипаж два человека. Вооружение: боевая нагрузка 227 кг на двух узлах подвески: четыре ПТУР AGM-114 «Хеллфайр», или четыре ЗУР AIM-92A «Стингер», или две ПУ 7 х 70-мм НУР «Гидра-70», или два контейнера CFD-5000 с 12,7-мм пулеметом либо двумя 7,62-мм пулеметами, или два контейнера с 20-мм пушкой и 180 патронами. В 2016-2017 годах Пентагон передал ВС Хорватии на безвозмездной основе 16 таких машин.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ
тайёрлади.

РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ ПАСАЙИШ



АҚШ савдо вазириликнинг иқтисодий таҳлиллар бюроси тарқатган маълумотда таъкидланишича, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий йилнинг иккинчи чорағида рекорд даражада, йиллик кўрсаткичда 32,9 фоизга тушиб кетган. Бундай паст кўрсаткич 1947 йилдан буён кузатилмаган эди. «Бундай ҳолат COVID-19 га қарши жавоб чоралари кўрилгани боис юз берди. Чунки мамлакатда карантин чекловлари сабабли иқтисодий фаоллик секинлашиб кетди», дейилади матбуот хабарномасида.

КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНМОҚДА



Испаниянинг собиқ қироли Хуан Карлос I коррупцияда айбланаётгани туфайли мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлди, деб хабар қилади «El Mundo» нашри. Маълумотларга кўра, собиқ қирол ҳозирда Доминикан Республикасига етиб борган ва у ердан Янги Зеландияга ўтиб кетиши мумкин. Испания прокуратураси хориж банкларидаги тахминларга кўра Хуан Карлосга тегишли бўлган, аммо сохта шахслар номига расмийлаштирилган ҳисоблар билан боғлиқ текширув ишларини олиб бормоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХАРБИЙ САМОЛЁТЛАР ЁРДАМИДА



Бразилия Ҳарбий ҳаво кучлари махсус уюштирилган икки операция давомида 1 тонна микдордаги кокаин жойлаштирилган икки самолётни қўлга олди. Боливия билан чегара яқинидаги Кампу-Гранди шаҳри осмонда амалга оширилган операцияларда Super Tucano A-29 русумли тўртта қирувчи самолёт ва FAB E-99 типидagi вертолёт иштирок этган. Бунинг натижасида жиноятчилар ўз самолётларини ерга қўндиришга мажбур бўлишган. Учувчилардан бири ҳибсга олинган, иккинчиси эса қочишга муваффақ бўлган.

■ ВОЕННАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ ■

Известная американская корпорация «Дженерал дайнэмикс», образованная в 1952 году в результате реорганизации крупной кораблестроительной компании «Электрик боут», на сегодняшний день является одним из мировых лидеров среди производителей современных вооружений и военной техники (ВВТ). Основная деятельность данной корпорации заключается в разработке, производстве, ремонте, модернизации и обслуживании широкого спектра продукции военного назначения, в том числе бронетанковой и другой техники сухопутных войск, боевых кораблей и вспомогательных судов, радиоэлектронного оборудования различного назначения – автоматизированных систем боевого управления, вычислительной техники, средств связи, разведки и ведения радиоэлектронной войны. Значительное место в деятельности корпорации занимает разработка информационных систем и оказание разнообразных услуг в области информационных технологий. Кроме того, дочерняя фирма корпорации «Гольфстрим аэроспейс» является одним из крупнейших в мире производителей самолетов деловой авиации (так называемых бизнес-джетов). По суммарному объему контрактов «Дженерал дайнэмикс» неизменно находится в первой пятёрке поставщиков для государственных структур, более 80 проц. этой суммы приходится на военные заказы. В последние годы она занимает 5-6 место в мировом рейтинге компаний, производящих ВВТ, и при этом считается крупнейшим в мире производителем бронетанковой техники. Это способствовало приобретению в 1982 году оборонного отделения компании «Крайслер» – одного из главных американских производителей бронетанковой техники.

Современная структура корпорации оформилась в конце 1990-х – начале 2000-х годов, когда в результате многочисленных слияний и поглощений были значительно увеличены ее производственные мощности, созданы высокотехнологичные отделения по производству радиоэлектронной аппаратуры и разработке современных информационных технологий, а также существенно расширено присутствие «Дженерал дайнэмикс» в различных регионах мира, и в первую очередь в европейских странах. Компания имеет свои филиалы и предприятия в Испании, Германии, Австрии, Швейцарии, Чехии, Канаде, Великобритании, Румынии и Австралии.

КОРПОРАЦИЯ

«Дженерал дайнэмикс»



В результате проведенных в 2018 году реорганизационных мероприятий корпорация к настоящему времени состоит из пяти основных подразделений, сформированных по направлениям их основной деятельности: «Аэроспейс», «Комбат системз», «Информейшн технолоджи», «Мишн системз» и «Марин системз».

Штаб-квартира корпорации находится в непосредственной близости от Вашингтона – в г. Фолс-Черч (штат Виргиния). Численность работающих составляет около 106 тысяч человек, почти половина из них (48 тыс.) заняты в наиболее высокотехнологических подразделениях, связанных с разработкой и производством радиоэлектроники, оказанием услуг в области информационных технологий и обеспечения кибербезопасности. Основная производственная, научно-исследовательская и опытно-конструкторская деятельность корпорации сосредоточена на 120 крупных объектах как на территории США, так и за ее пределами.

Подразделение «Аэроспейс» – мировой лидер в разработке и производстве самолетов деловой авиации и оказания всего комплекса услуг, связанных с их эксплуатацией. Оно состоит из двух отделений – дочерних компаний «Гольфстрим аэроспейс» и «Джет авиэйшн». От реализации продукции этого подразделения за рубежом корпорация получает более 40 проц. своей экспортной выручки. Ежегодно компания «Гольфстрим аэроспейс» выпускает 120-150 самолетов типа G500, G550, G600, C-37B, EC-130 «Компас Кольд» и т.д. Самолёты «Гольфстрим» активно применяются для перевозки высших должностных лиц. В настоящее время на предприятиях

«Аэроспейс» проводятся исследовательские работы по применению на самолетах биотоплива.

Основная деятельность подразделения «Комбат системз» заключается в разработке, производстве, ремонте, модернизации и обслуживании танков, боевых бронированных машин (ББМ) и другой техники, а также в выпуске систем оружия и боеприпасов для ВС США и их союзников. В состав данного подразделения входят отделения «Лэнд системз», «Юропиан лэнд системз» и «Орднанс энд тактикал системз». В частности, отделение «Лэнд системз» является основным производителем бронетанковой техники на территории США. На предприятиях «Комбат системз» осуществляется выпуск и модернизация танков (M1 «Абрамс», M1A2SEPV3 и т.д.), боевых бронированных машин типа «Пирания», «Страйкер», «Аякс», «Буффало», «Кугар» и т.д., легких тактических автомобилей «Флайер», понтонных мостовых систем, артиллерийских орудий и боеприпасов, авиационных и корабельных артиллерийских систем, дистанционно управляемых боевых модулей, автоматических станковых гранатометов и пулеметов и т.п.

Образованное в 2018 году подразделение «Информейшн технолоджи» занимается проектами, связанными с применением в различных областях информационных технологий, систем обеспечения кибербезопасности, искусственного интеллекта, облачных хранилищ данных, методов обработки и анализа больших массивов информации и передовых технологий.

Подразделение «Мишн системз» занимается разработкой и производством радиоэлектронной аппаратуры различного назначения,

в том числе систем управления и связи, телекоммуникаций, радиоэлектронной борьбы и разведки, авиационных и корабельных систем различного назначения, бортовой аппаратуры космических аппаратов. Важным направлением деятельности «Мишн системз» является разработка технологий и систем обеспечения кибербезопасности, а также шифровального оборудования для вооруженных сил, агентства национальной безопасности и других правительственных ведомств.

Одним из крупнейших структурных элементов «Дженерал дайнэмикс» является подразделение «Марин системз», отвечающее за проектирование, производство, ремонт, модернизацию и обслуживание основных классов боевых кораблей, в том числе атомных подводных лодок, и вспомогательных судов. В состав подразделения входят три дочерние компании: «Бат айрон уоркс», «Электрик боут» и «Нэшнл стил энд шипбилдинг». В частности, на предприятиях «Бат айрон уоркс» ведется строительство эсминцев УРО типа «О.Бёрк», «Карл Левин», «Зум-вольт» и т.д. Компания «Электрик боут» специализируется на проектировании и строительстве атомных подводных лодок. В настоящее время на верфи компании строятся многоцелевые атомные подлодки типа «Виргиния». Кроме того, здесь готовятся к запуску в 2021 год строительство первой из 12 атомных подлодок с баллистическими ракетами типа «Колумбия».

По материалам зарубежной печати подготовил
П. САЙДИВАЛИЕВ

Ўқув йилига тайёргарлик



Қозғоғистон Бош вазири Аскар Мамин янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини янада фаоллаштириш бўйича тегишли топириқлар берди, деб хабар қилди zakon.kz сайти мухбири. Бунда таълим методологиясини такомиллаштириш, болалар, ота-оналар ва педагоглар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бундан ташқари, ҳукуматга эҳтиёжманд оилаларнинг болалари учун 500 мингта компьютер етказиб берилишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

янги тартиб бўйича



Тожикистон ҳукумати кўрсатмасига биноан мамлакатда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида бундан кейин тўйлар фақат оила аъзолари иштирокида, кўпи билан 30-40 кишилик қилиб ўтказиладиган бўлди, деб маълум қилди «Ховар» ахборот агентлиги ҳукумат ҳузуридаги Дин ишлари, миллий удумлар, тантана ва маросимларни тартибга солиш қўмитасининг берган маълумоти таяниб. Мамлакатда бундан аввал, аниқроғи, 20 июндан тўйларга кўпи билан 100 кишини тақлиф этишга рухсат этилган эди.

қўшин сони қисқартирилади



АҚШ Афғонистондаги ўз қўшинлари сонини икки баробар қисқартиради, деди мамлакат раҳбари Дональд Трамп Axios портали мухбири билан суҳбатда. Унинг сўзларига қўра, Вашингтон яқин вақт ичида ҳарбий хизматчилар сонини аввал 8 минг, кейинчалик эса 4 минг нафаргача қисқартиришни режалаштирмакда. Бундан аввалроқ Давлат котиби Майк Помпео Қўшма Штатларнинг Афғонистондаги қўшинлари 2021 йилнинг май ойигача тўлиқ олиб чиқилишини маълум қилган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚ

“ Ҳуқуқий демократик давлатга асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган давлатимизда қонун устуворлигига эришиш учун суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳозирда у ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бундай ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, суд-ҳуқуқ тизимида либераллаштириш жараёнини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қолаверса, амалда ижросини таъминлашдан иборат.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга татиқ, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу фармонга кўра, суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиши назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида инвестици-

явий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимида

СУД ТИЗИМИ

янада такомиллаштирилади

тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилади.

Ушбу фармон чинакам мустақил

суд тизимини шакллантириш, судга иши тушган ҳар бир инсоннинг суддан рози бўлишига, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўла таъминланишига мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб қолади.

Садриддин ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди раиси

Эзгуликнинг савоби

Саховатпеша, меҳр-муруватни баланд тутган миллатмиз. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз нафақат байрам кунини балки ҳар доим нуроний кексаларни зиёрат қилишни, уларнинг олтинга тенг дуоларини олишга ошиқадим. Зеро, ушбу амалларнинг савоби ҳам бисёрдир.

Тошкент ҳарбий прокурорининг ташаббуси билан бир гуруҳ прокуратура органи ходимлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ 1- даҳасида истикомат қилувчи Сония Маратованинг ҳолидан хабар олишди. Ташриф давомида онахонга дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилинди.

– Меҳмонларнинг қутилмаган ташрифидан бошим осмонга етди, – дейди Сония Маратова. – Эътибордан миннатдорман. Шунисиға шукур. Инсон узоқ йиллик кадрдонлари билан юз кўришганда шундай ёқимли ҳисни бошидан кечиради. Бугунги дийдор менга шундай ёқимли лаҳзаларни ҳада этди. Илоҳим, қарияларни сийлаётган инсонлар соғ-саломат бўлишсин. Қалбларидаги меҳр, иймон нури ҳеч қачон сўнмасин.

Онахоннинг чеҳрасида қувонч учкунлари порлади. Қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик-тотувлик, хонадонларимизга файзу барака тилади.

Адлия майори Гўлчеҳра ТУРСУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Инновацион ғоялар ва янги технологиялардан фойдаланилмоқда



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Мингбулоқ тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) белгиланган ўқув дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида изчил тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги карантин даврида бу ерда ҳам машғулотлар санитария талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда.



– Бу ишларни амалга оширишда тажрибали ва етук мутахассислар кўмаги зарур. Ўз навбатида айтиш мумкинки, Мингбулоқда шундай изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўпчиликини ташкил этади. Демак, бундан кўринадики, жамоамиз олдидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ана шундай соҳа фидойилари фаолиятига боғлиқдир, – дейди ЎСТК бошлиғи Баҳодир Сирожиiddинов. – «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши томонидан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга маъсулият туйғуларини сингдириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Масофавий таълимда «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган уч ўлчамли анимация эффектлари ва видеоконтент кўринишдаги электрон ўқув қўлланмаларидан таълим олаётган бўлажак ҳайдовчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш орқали тингловчилар билан назарий машғулотларни олиб боришда инновацион ғоялардан, янги технологиялардан фойдаланишга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда.

Айни пайтда ЎСТКда «В», «ВС», «ВЕ», «СЕ» тоифали ҳайдовчилар масофавий таълим асосида тайёрланмоқда. Шу кунгача бу ерда



625 нафар ҳайдовчи тайёрланди. Ташкилот биноси доимий равишда дезинфекция қилиниб, ЎСТКга кириш-чиқиш жойлари пирометр, антисептик восита ва дезинфекцион ускуналар билан жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, бугун ташкилотда амалга оширилаётган барча жараёнлар карантин талаблари ҳамда санитария-эпидемиология қоидаларига амал қилинган ҳолда бажарилмоқда.

А. АЛЛАМУРОВОД



Bolajon



O'YLA, Y'LLA, TOP!

Suratlardagi jonivorlarning qayerda yashashini toping.



MEHRIBON AKA-UKALAR

Bir zamonda ikki aka-uka yashab o'tgan ekan. Ularning ota-onalari hayot paytlarida: "Bolalarim, ahil bo'linglar, bir-biringizni yolg'iz qo'ymanglar. Bo'linganni bo'ri yer, shuni esda tutinglar!" deb nasihat qilgan ekan.

Aka-uka o'sib, ulg'ayibdi. Kattasi bola-chaqali bo'libdi. Kichkinasi esa akasiga har ishda madad beribdi. Ular bug'doy, arpa ekishibdi, hosil mo'l bo'libdi. Akasi bu yil ukasini uylantirish uchun unga don yig'ib, ajratib qo'yibdi. Ukasi xirmonga kelsa, unga ajratilgan don ko'p emish. U o'ylab:

– Yo'q, men bir o'zimman. Akamning oilasi katta. Dondan unga qo'shib qo'yishim kerak, – deb akasining xirmoniga don qo'shib qo'yibdi.

Ertalab akasi xirmonga kelsa, ukasining donlari kamayib, o'ziniki ko'payib qolibdi. Akasi darrov ukasining xirmoniga dondan qo'shib qo'yibdi.

Shunday qilib, aka kuzda ukasini uylantiribdi. Aka-uka yonma-yon yashabdilar. Ularning farzandlari ko'payibdi. Bolalar ham xuddi otalari kabi bir-birlari bilan ahil, inoq bo'lib o'sishibdi. Qishloq ahli bu inoq oilaga havas bilan qarashar, hurmat qilar ekan.

"Ertaklar – yaxshilikka yetaklar"
kitobidan olindi.

Ranglar jilos



HIKMATLAR XAZINASI




БУ ҚИЗИҚ!

ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?



5 август – Халқаро светофорлар куни



Светофор (русча «ёруғлик», юнонча «ташувчи») бу – автотранспорт воситаларининг, шунингдек, пёёдалар ўтиш жойларида ва бошқа йўл фойдаланувчиларининг ҳаракатини тартибга соловчи оптик сигнализация мосламасидир. Улар ақалли ярим соат ишламай қолиши натижасида йўлларда тартибсизликлар юз беришига ҳаётимиз давомида кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Кўйида биз йўл ҳаракатида катта аҳамиятга эга бўлган мана шу «тартиб посбонлари» та-

рихи ҳақида сўз юритамиз.

Энг биринчи светофор XIX асрда британиялик Жей Найт томонидан ихтиро қилинган. Ушбу қурилма 1868 йилда Лондонда парламент биноси олдида ўрнатилган. Уч йилдан сўнг унинг фонари портлаб кетиб, полиция ходимини жароҳатлаган.

Шу воқеа сабаб светофор деярли 50 йил давомида унутилган, токи 1910 йил икки рангдаги чироқли биринчи автомат светофор ишлаб чиқилмагунча. 1914 йилдан эса Халқаро светофорлар кунини нишонлаш анъанага айланди. Шу кунни замонавий қурилмаларнинг биринчи «аждоди» Американинг Кливленд шаҳрида пайдо бўлди. Аввалига светофор қизил ва яшил чироқларга эга эди ва улар ёнганда овозли сигнал берарди.

Замонавий уч рангли светофорларни илк бор 1920 йилда Детройт ва Нью-Йорк аҳолиси кўрган. Вақт ўтиши билан ушбу қурилмалар Америка ва Европанинг турли шаҳарларида оммалашди. Россияда эса 1930 йил январда Ленинграддаги Невский ва Литейный проспектида пайдо бўлди. Уша йилнинг декабрь ойида Москвадаги Петровка ва Кузнецкий кўпригининг бурчагида автоматик ҳаракатланишни бошқариш мосламаси ўрнатилди. Россияда Ростов-Дон светофор ишлай бошлаган учинчи шаҳар бўлди.

9 август – Бутунжаҳон китоб ихлосмандлари куни

Қайсидир мамлакатда ташкил топган ва миллий мақомга эга бўлган кўплаб байрамларнинг давлат миқёсидан ташқарига тарқалиши сабабли охир-оқибат халқаро мақом номини олади. Шундай байрамлар сирасига АҚШда пайдо бўлган Миллий китоб кунини киритишимиз мумкин. Дастлаб Америкада ташкил топган бу байрам кейинчалик дунё бўйлаб мухлисларни ўзига жалб этди ҳамда Бутунжаҳон китоб ихлосмандлари кунига айлан-ди. Бутун дунё аҳолиси бу санани катта тантана билан нишонлайди.

Бутунжаҳон китоб ихлосмандлари кунининг биринчи навбатда китоб талабгорлари бўлмиш китобхонлар байрамидир. Шунинг учун ҳам ушбу байрам ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар ва ноширлар, босмахоналар, китоб дўконлари ва албатта,



китобхонларни қамраб олади. Шу кунини одамларга қўлга китоб олиб, маза қилиб мутулаа завқини туйиш тавсия этилади.

Китоб ўқиш кўпчилик китоб ихлосмандларининг асосий севимли машғулоти. Зеро, китоб сотиб олиш учун маблағ, ўқиш учун бўш вақт, шунингдек, бадиий асар дунёсига киришга ҳалақит бермайдиган муҳит бўлса бас, бу жараён инсондан ҳеч қандай

махсус тайёргарлик талаб қилмайди. Энг муҳими, мутулаа ҳар доим жамият маданий ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб келган.

Замон тараққий этиши билан китоб ихлосмандлари учун янада қўлайлик яратадиган электрон китоблар пайдо бўлдики, энди китобхонлар ҳеч қандай қийинчиликларсиз бутун бир кутубхонани ёнларида олиб юришлари мумкин. Бунинг учун электрон кутубхонага кира оладиган қурилмага эга бўлса кифоя. Лекин шундай бўлса-да, кимдирлар учун китобнинг босма наشري, қоғоз вариантини ҳеч бир замонавий электрон китоблар боса олмайди. Бу энди уларнинг хоҳиши, танловига ҳавола.

С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Кўз юмиб
қирғоқни кўра
олмасангиз,
океанни кесиб
ўтолмайсиз.
Христофор КОЛУМБ

БИЛАСИЗМИ?

Ўтқир Ҳошимов ёзади: уларга таъзим қилинг. Юзта донишманд айтмаган ҳақиқатни улар айтади. Адиб кимларни назарда тутяпти?

Жавоб: талғабларни

БИЛАСИЗМИ?

У қадимда оғриётган бўғимларга, моматалоқ бўлган ёки синган жойларга босилган. Ўрта асрлар Россиясида у тез-тез сочиқча ўрнида ҳам ишлатилган. У нима?

Жавоб: кепка ва кепка

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Кичик
сержантнинг
катта жасорати

Қаҳрамон
ҳарбий
шифокор

VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир:
майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

Исломжон ҚўЧҚОРОВ

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Раимиз ВАЛИЕВ

III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ

Мусаххихлар:

Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА
Муаттар МЕЛИЕВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-862.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 30 460 нусха.

Босишга топшириш вақти:

14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума кунини чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган. Нашр кўрсаткичи: 114. Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ